

# Хабар

14  
(811)-son

4-aprel

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2008

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИК!** ●

Япониянинг NTT DoCoMo компанияси мобил интернет тезлигини 250 мегабит сонияга етказиш имконини берувчи янги технология синовини муваффақиятли яқунлади.

Синовдан ўтаётган Super 3G тармоғи 3GPP LTE технологиясига асосланган бўлиб, маълумотлар узатувчи база станцияси ва қабул қилувчи мобил станцияси учун MIMO стандартидаги тўрт антеннадан фойдаланилади.

Янги стандарт ҳозирга қадар чиқарилган ишланмаларнинг энг афзали бўлиши мумкин. Масалан, ҳозирда ишлатиладиган HSDPA шаклидаги тармоқларда маълумот узатиш суръати сониясига 14 мегабитдан ошмайди.



## ЁШЛАР, ТЕЛЕФОН ВА МЕЪЁР

Ҳаётимизга мобил телефонлари кириб келганига узоқ вақт бўлгани йўқ. Атиги 5-6 йил аввал ҳам мобил телефони "қимматли восита" ҳисобланарди. Узоққа бормайлик, 2004 йили уяли алоқа хизматига уланишнинг ўзи учун 30\$ атрофида маблағ сарфлаш зарур эди. Қолаверса, бир дақиқа гаплашганда чиқиш кўнғироқлари – 0,12, кириш кўнғироқлари эса – 0,08 цент миқдорида ҳисоб-китоб қилинарди. Ҳозирчи?..

5-БЕТ

## Ушбу сонда

Кун тартибда:  
**Тармоқ келишув ва  
БЭСА-08га  
тайёргарлик**

2-БЕТ

**Алоқасиз қолган  
маҳалла**

4-БЕТ

**Пользователям  
бесплатный антивирус**

6-БЕТ

**Компьютер сабоқлари**

11-12-БЕТЛАР

**"АДА"да  
ҳаммаси аъло!**

13-БЕТ

**Эътиборли бўлайлик**

14-БЕТ



**Кенг қамровли  
суғурта хизматлари**

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



**UzNet**  
Internet Service Provider  
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффернинг таклифи биноан 2008 йилнинг 3-4 апрел кунлари Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестдаги саммитида иштирок этмоқда.**

✓ Тошкентда 27 март кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этилган ушбу ташкилотнинг 2007 йилдаги фаолиятига доир ҳисобот лойиҳаси маъқулланди. Шунингдек, 2008 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

✓ **Пойтахтимизда Президент соврини учун аънаванвий "Ташаббус-2008" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. "Ташаббус-2008" кўрик-танловида "Энг яхши тадбиркор" деб Тошкент шаҳридаги "AZN" масъулияти чекланган жамияти раиси Анвар Назиров топилди. "Энг яхши фермер" лика қашқадарёлик фермер Амир Файзиев лойиҳа кўрилди. "Энг яхши хунарманд" йўналиши голиблиги наманганлик хунарманд Ваҳобжон Буваевага насиб этди. Голибларга автоматиналар қалитлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.**

✓ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига уйғунлаштирилган халқаро нормаларини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ешлар йилига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмиталари томонидан мазкур олий ўқув юрти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

✓ **Ўзбекистон Республикасининг Қатар Давлатидаги Фавкулда ва Мухтор элчиси (қароргоҳи) Ал-Кувайт шаҳрида жойлашган) Абдурафик Ҳошимов Қатар Давлати Амири Шайх Ҳамд бин Халифа Ол Сонийга ишонч ёрликларини топширди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлати ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.**

## ● HAY'AT YIG'ILISHIDA

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров бошқарди.**

128,3 минг сўмни ташкил этди ёки 2006 йилга нисбатан 1,32 баробарга кўп, жумладан, "Ўзбектелеком" АКда 144,2 минг сўм ёки 2006 йилга нисбатан 1,28, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда 91,5 минг сўм ёки 2006 йилга нисбатан 1,38, "Матбуот тарқатувчи" АКда 80,1 минг сўм ёки 2006 йилга нисбатан 1,34 ва давлат корхоналарида 199,1 минг сўм ёки 2006 йилга нисбатан 1,37 баробарга ортди.

филиалларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам кўзда тутилганига нисбатан кам тўланган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари "Матбуот тарқатувчи" МЧЖларда, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари "Матбуот уюшмаси" шўъба корхоналарида ушбу моддий ёрдам умуман тўланмаган.

2007 йилдан меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тўловлар корхоналар ҳисобидан амалга оширилган. "Ўзбектелеком" АК бўйича ушбу тўловга 337,8 млн. сўм, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бўйича 143,5 млн. сўм сарфланди. Лекин, жойларда ушбу масалани ўрганиш, таҳлил қилиш ишлари йўлга қўйилмаган.

Мазкур масала муҳокамаида "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Мухитдинов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбиддиновлар сўзга чиқибди.

Шунингдек, мажлисида "Халқаро электралоқа иттифоқи Бутунжаҳон электр алоқани стандартлаштириш ассамблеяси (БЭСА-08)га тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги масала бўйича Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори ўринбосари З.Ғиясов ахборот берди.

ХЭИ Бош котиби Ҳамдун Туренин 2007 йил 12 декабридаги 56-сонли циркуляр хати ва Халқаро электр алоқа иттифоқи Электр алоқа стандартлаштириш бюросининг 2008 йил 31 январидagi 190-сон циркуляр хати мувофиқ Йоханнесбург шаҳрида (Жанубий Африка Республикаси) шу йилнинг 21-30 октябрь кунларида Бутунжаҳон электр алоқани стандартлаштириш ассамблеяси (БЭСА-08) ўтказилди. Ўзбекистон Алоқа маъмурияти томонидан ушбу тадбирга тайёргарлик кўриш учун бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, БЭСА-08га тайёргарликни ташкил қилиш мақсадида Агентликнинг 2006 йил 22 майдаги 153-сонли буйруғи билан Ишчи гуруҳ ташкил этилди ва Электр алоқа стандартлаштириш сектори (ХЭИ-Т) билан ишлаш ҳамда БЭСА-08га улуши тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳнинг тадбирлар режаси тасдиқланди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан "Бутунжаҳон электр алоқани стандартлаштириш ассамблеяси (БЭСА-04) материалларини тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳамда (БЭСА-08)га Ўзбекистон Республикасининг улушини тайёрлаш" илмий-тадқиқот иши ўтказилмоқда, ушбу илмий-тадқиқот ишини ўтказиш борасида БЭСА-08га Ўзбекистоннинг улуши бўйича дастлабки таклифлар тайёрланди ва Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик (АМХ) Ижроия кўмитасига АМХнинг умумий таклифларини БЭСА-08га шакллантириш учун юборилди, Халқаро электр алоқа регламентига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича дастлабки таклифлар тайёрланди.

Умумий таклифларни ишлаб чиқиш ва АМХ ҳудудидан БЭСА-08га улуш сифатида ХЭИга юбориш учун АМХ Ижроия кўмитаси ва ХЭИ билан келишувига кўра, 2008 йил 12-13 июн кунлари Тошкент шаҳрида МДХ мамлакатлари учун БЭСА-08га Худудий тайёргарлик йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## КУН ТАРТИБИДА:

# ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ ВА БЭСА-08га ТАЙЁРГАРЛИК



Йиғилиш кун тартибидagi "2007 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2006-2008 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг бажарилиши тўғрисида"ги биринчи масала селектор орқали жойларга узатилди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов маъруза қилди.

Маърузачи ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга оширишнинг мақбул воситаларидан бири тариқасида, шунингдек, ижтимоий меҳнат муносабатларини шартнома орқали тартибга солишнинг ишончли усули сифатида Жамоа шартномалари ва Келишувларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

2008 йил 1 январ ҳолатига кўра соҳада битта Тармоқ келишуви, иккита Тариф келишуви, ягона Жамоа шартномаси ва 190та Жамоа шартномаси тузилган ҳамда амал қилмоқда. Ходимларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраш даражаси 100 фоизни ташкил этди.

Келишувлар ва Жамоа шартномаларида қабул қилинган 19 мингга яқин банддан 99,8 фоизи бажарилди. Бу кўрсаткичнинг бажарилиши 2006 йилда 99,7 фоизни ташкил этган эди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадларининг кейинги пайтларда оширишнинг ишончли воситаси бўлиб қолмай, балки иш ҳақининг кафолатланган тариф қисмини ҳам мунтазам равишда ошиб боришини таъминламоқда ва соҳа бўйича бу кўрсаткич 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 1,21 баробарга ўсган.

Келишувлар ва Жамоа шартномаларининг 2007 йилдаги бажарилиши натижалари таҳлилига кўра, соҳа бўйича ўртача ойлик иш ҳақи

Умуман, акциядорлик компаниялари, жамиятлар, уларнинг таркибига кирувчи барча филиаллар, корхоналар бўйича ўртача иш ҳақи (Наманган вилояти "Матбуот тарқатувчи" МЧЖдан ташқари) Келишув ва ягона Жамоа шартномасида қабул қилинган даражага етказилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш мақсадида мажмуий чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, иш ҳақи ўз вақтида тўланишининг Агентлик томонидан олиб бориладиган ҳафталик мониторингини туфайли, иш ҳақи тўловини кечиктириш ҳоллари сезиларли даражада камайди.

Ўтган йил ёз мавсуми давомида алоқачиларнинг 5890 нафар фарзандлари болалар оромгоҳларида соғломлаштирилди, йўлланмалар ходимларга асосан бепул берилди. 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши муносабати билан 1229та кам таъминланган оилага ўртача 46,8 минг сўм, 4973 нафар ишламаётган пенсионерга ўртача 34,0 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Таҳлилларга кўра, эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, ҳисобот даврида корхона, ташкилот ва филиалларда Жамоа шартномалари ва Келишувларда белгиланган айрим мажбуриятларнинг қисман бажарилмаслик ҳолатлари ҳам мавжудлиги аниқланди.

"Ўзбектелеком" АК "Сурхондарё Телеком", "Наманган Телеком" филиалларида, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент, Андижон филиалларида ва "Матбуот тарқатувчи" АК Жиззах ва Наманган вилоятлари "Матбуот тарқатувчи" МЧЖларда, Бухоро вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасида штат жадвали бўйича ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан пастлигича қолмоқда.

Касабаси уюшма ташкилотлари томонидан доимий назоратнинг лозим даражада олиб борилмаганлиги натижасида айрим корхона ва

SEMINAR

«Андижон Телеком» филиали мажлислар залида «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Андижон ҳудудий боғламасида сервис хизматларини ташкиллаштириш бўйича семинар ўтказилди.

Кайд этиш керакки, 2007 йил сентябрда ўз фаолиятини бошлаган «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Андижон ҳудудий боғламаси жамоаси дастлабки кунлардан оқибатда ишга киришди. Вилоятнинг аксарият туман ва шаҳарлари филиалининг мобил тармоғи билан қамраб олинган ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Боғламга «Андижон Телеком» филиали тизимида ишлаган тажрибали мутахассис Иброҳимжон Рисбоев раҳбарлик қилмоқда.

«Ўзбектелеком Мобайл» бошқа уяли алоқа тармоқларидаги нисбатан қулай тариф режаларини таклиф қилмоқда. Шу боис, қисқа фурсат ичида вилоятда миқозлари сони мингтадан ортиди, фаолият кўрсатаётган расмий дилерлари тўққизтага етди, яна иккита сўзлашув маскани ҳам очилди.

Семинарда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят Давлат алоқа инспекцияси, «Андижон Телеком» филиалидан вакиллар ҳамда туман телекоммуникациялар боғламалари бошиқлари, сўзлашув масканлари, фирмалар раҳбарлари, дилерлар, ижроия аппарати мутахассислари ишти-



СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

рок этишди. Унда «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг кўшимча хизматларни ривожлантириш бўлими бошлиғи У.Кўчоров, минтақаларни ривожлантириш, дилерлар ва корпоратив миқозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Н.Имомов маъруза қилиб, филиалининг ташкил этилишидан ҳозирги кунгача олиб борилган ишлар, соҳани ривожлантириш бўйича режалар тўғрисида маълумотлар берди. Иштирокчиларга филиалини ривожлантириш бўйича лавҳалар намойиш этилди.

Иштирокчилар «Ўзбектелеком Мобайл» филиали тармоғида дилерлик масканларини ташкиллаштириш масалалари, дилерлар учун имтиёзли шартлар билан таниш-

тирилди. Шунингдек, сўзлашув масканлари очиш, провайдерлар учун белгиланган имтиёзли шартлар тўғрисида ҳам гап борди. Агентликнинг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Нуриддинов, мутахассис Л.Усмонов алоқа хизмати кўрсатиш бўйича лицензияларни расмийлаштириш тартиблари тўғрисида тушунчалар берди.

Семинарда иштирокчилар томонидан ҳуқуқий, молиявий, солиқ масалалари бўйича ўртага ташланган саволларга «Ўзбектелеком Мобайл» филиали етакчи мутахассислари томонидан жавоблар берилди.

Раҳмонжон УЗОҚОВ, «Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

КЕЧАЮ КУНДУЗ

«Қорақалпоқ Телеком» филиали миқозларга қулайлик яратиш мақсадида Нукус шаҳридаги абонент тўловларини қабул қиладиган шахобча иш вақтини кечаю кундуз қилиб қайта ташкил этди. Ушбу янгилик телефон хизматидан фойдаланувчилар учун қулайлик яратиши билан бирга вақтларини тежашга ҳам имконият яратди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ

ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш» тўғрисидаги қарорига мувофиқ ахборот-кутубхона марказлари зиммасига жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 28 март куни Самарқанд иқтисодий коллежида «Ахборот-ресурс марказининг ўқув адабиётлари ва замонавий илғор педагогик технологиялар ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш» бўйича навбатдаги тақдимот маросими ўтказилди.

Тақдимот доирасида Самарқанд иқтисодий коллежи ва АРМнинг моддий техника базаси ҳамда ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ишлари кўргазмаси билан танишиш, АРМнинг ўқув адабиётлари ва замонавий илғор педагогик технологиялар ва жиҳозларидан самарали фойдаланиш бўйича маърузалар қилинди.

Маҳбуба КУЛОВА, Ахборот-кутубхона маркази бўлим бошлиғи

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Тошкент ахборот технологиялари университетидида «Ешлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва ОИТС (СПИД)га қарши кураш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Йигилишда 2008 йилнинг Ешлар йили деб номланиши ёшларимизга катта эътибор берилиши билан бирга улар зиммасига масъулият ҳам юклаши ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, тадбирда аксарият йигит-қизлар улуг аждодларимизга муносиб ворис эканликларини намоён этиб, қутлуг ишларга қўл уришайтгани, лекин минг афсуски, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг кўзатилаётгани, гиёҳвандликнинг тарқалиши ва ОИТС касаллигига чалиниш ҳолатлари содир бўлаётгани ачинарли ҳол эканлиги таъкидланди.

Йигилиш сўнгиде талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Эъзога КАРИМОВА, ТАТУ маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

ХОРАЗМЛИК ЁШ ДАСТУРЧИЛАР

ТАТУ Урганч филиалида иқтидорли ва истеъдодли талабаларни қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган. Хар йили аънавий тарзда ёзги таътил пайтида «Ёш дастурчилар» оромгоҳи ташкил қилинмоқда. Унда талабаларга дастурлаш, чет тиллари ва маънавият асослари фанларидан қўшимча машғулотлар ташкил қилинади.

Яқинда университетнинг Урганч филиали, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали, «Камолот» ёшлар иқтисодиёти ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида вилоятдаги мактаб, академик лицей ва коллежларда тахсил олаётган ўқувчилар ўртасида «Ёш дастурчилар» танлови ўтказилди.

Вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 70га яқин ёш компьютер дастурчилари орасида Хонқа маиший хизмат касб-хунар коллежи 3-босқич ўқувчиси Толғат Илёсов биринчи ўринни эгаллади. УРДУ қошидаги 2-Академик лицей 3-босқич ўқувчилари Сапарбой Ботиров ҳамда Дилмурод Рўзимовлар иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

«Ёш дастурчилар компьютер технологиялари соҳасининг ривожланиши учун асосий манба ҳисобланишида, — дейди ТАТУ Урганч филиали директори, профессор Аҳмаджон Юсупов. — Келгусида хоразмлик ёшлар ҳам ахборот технологиялари оламида ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлишди.

Танлов якунида совриндорларга тадбир ташкилотчиларининг совғалари топширилди.

Ойбек ЮСУПОВ, ТАТУ Урганч филиали «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси

ALOQA SOHASIDA TADBIRKORLIK

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил, 3 мартдаги фармойишига мувофиқ барча ҳудудий бошқармалар томонидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар, умуман, аҳолининг кенг қатламларига алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини лицензиялаш масалаларини атрофича тушунтириш мақсадида жорий йилнинг март ойидан бошлаб қишлоқ жойларида «Очиқ эшиклар кунининг» ташкил этиб келинаётганлиги бу борадаги ишларни давр талаблари даражасида йўлга қўйишда салмокли ўрин тутмоқда.

Шундай тадбир Бухоро туманида бўлиб ўтди. Унда туманда фаолият кўрсатаётган бир қатор ишбилармон ва тадбиркорлар, телекоммуникациялар боғламалари ва почта алоқаси тармоқлари бошиқлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

«Очиқ эшиклар кунининг» ЎзАААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Уроқ Тўхтаев кириш сўзи билан бошлаб, қишлоқ жойларида АКТни ривожлантириш давр тақозоси эканлигини, айниқса, соҳани лицензиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши зарурлигини, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилгандагина бу борада қутилган натижа ва самарага эришиши мумкинлигини таъкидлади.



Тадбир иштирокчиларига алоқа соҳасини ривожлантиришдаги энг муҳим ҳужжатлардан ҳисобланган Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, Агентликнинг муҳокама этилаётган масалалар билан боғлиқ тегишли буйруқларининг мазмун-моҳияти, уларда илгари сурилган устувор вазифалар хусусида атрофича маълумот берилди. Бундан ташқари, иштирокчилар ЎзААА билан юридик шахс ўртасида тузиладиган лицензия келишувининг асосий шартлари, қандай ҳолларда ушбу лицензияга ўзгартаришлар, тўлдиришлар ва қўшим-

чалар киритилиши лозимлиги билан ҳам батафсил таништирилди. Лицензиянинг ҳуқуқлари бўйича ҳам аниқ маълумотлар берилди.

Тадбирда қатнашган «Бухоро Телеком» филиали директори Шариф Худойбердиев, Бухоро туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Тўлқин Ҳамидов, ҳудудий бошқарма етакчи мутахассиси Шўҳрат Сайфиқодиров ва бошқалар иштирокчиларнинг саволларига жавоб бериш билан бирга, вилоят алоқа соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари, жумладан, тармоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган режалар, аҳолига замон талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиш имконини берадиган ва хоржий сармоядорлар ҳамкорлигиде амалга ошириладиган келгусидаги лойиҳалар бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Асқар ИСТАМОВ, «Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## XALQARO HAYOT

## Ироқдан кетишмоқчи эмас



News телеканалда.

Қуролли кучлар вазирлиги 1 апрелга белгиланган Басра аэропортида жойлашган британиялик аскарларни олиб чиқиб кетиш орқага сурилганини маълум қилди. Қуролли кучлар ахборотномаси раҳбари Дес Браун натижани жараённинг ривожига қараб айтишига ваъда берди.

Маълумотларга кўра, ҳозир Басрадаги ҳарбий базада 4100 британиялик ҳарбий хизмат қилмоқда.

## «Ал-Қоида»да «европаликлар»

France Presse агентлиги хабариди айтилишича, АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Майкл Хэйдэн «Ал-Қоида» ташкилоти ўз сафига «келиб чиқиши европалик» бўлган жангариларни қабул қилаётгани уларни фош қилишни қийинлаштираётганини маълум қилган.

Америка разведкаси маълумотларига кўра, «Ал-Қоида» келиб чиқиши европалик бўлган террорчилар тайёрлашни 2006 йилдаёқ бошлаган.

## Наркобарон 30 йилга қамалди

2007 йилда кўлга олинган колумбиялик таниқли наркобарон Хуан Карлос Рамирес Бразилия судида ушбу мамлакат қонунчилигида белгиланган энг юқори муддат — 30 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Рамирес йирик бирлашмага бошчилик қилиб АҚШга юзлаб тонна кокаин жўнатганлиқда, бундан ташқари, жинояткорона тил бириктиришда, коррупцияда, пул ва ҳужжатларни қалбакилаштиришда айбланди. Суд унга қамоқ жазосидан ташқари 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорда жарима белгиланди.

АҚШда ҳам Рамирес ва унинг бирлашмаси аъзолари кўплаб қотилликларни содир этганлиқда айбланган. Ҳисоботларга кўра, Рамирес картели 1990 йилдан 2003 йилгача АҚШга 550 тонна кокаин етказиб берган.

## Толиблар дала командири кўлга тушди

АР агентлигининг хабар беришича, Афғонистон полицияси «Толибон» ҳаракатининг дала командирларидан бири бўлган Мулла Нақибуллани кўлга олган.



Полиция кийимидидаги жангарилар гуруҳи Нақибуллага етакчилигида Лашкар-Га шахрида полициячиларга ҳужум уюштирган. Жанг натижасида уч жангари ўлдирилган, яраланган Нақибуллага эса кўлга олинган. Икки полиция хизматчиси ҳам жароҳатланган.

Бундан аввал ҳам у икки марта кўлга олинган эди. Лекин ҳар сафар қочишга муваффақ бўлган. Жорий йилнинг февралда унинг ўлгани ҳақида шов-шув тарқалган ва бу хабарни толиблар қатъий инкор этишган эди.

## Миср осмонида Ил-86 учаверади

РИА Новости агентлиги хабарига кўра, сешанба кuni Миср ҳукумати ўз мамлакатига Ил-86 самолётининг училишига берилган рухсатни 2009 йил 31 майгача узайтирган.

Россия транспорт вазирлиги ўтган ҳафтада мазкур самолётларга 2008 йил 31 декабргача училишига рухсат беришларини сўраб илтимоснома юборган эди. Муддат ўртасидаги тафовутни ҳеч ким шарҳлагани йўқ.

Ил-86 техник хизмат кўрсатиш хизмати арзон ва Мисрда узоқ рейсларда фойдаланадиган асосий самолётлардан биридир. Бундан ташқари, ушбу самолёт хизматидан россиялик сайёҳларнинг катта қисми фойдаланади. Агар «Ил»ларнинг училиши таъқиқланса, Мисрда келаётган сайёҳлар камайиши, авиабилетлар эса қимматлашиши мумкин.

Интернет материаллари асосида Усмонжон Йўлдошев тайёрлади

## ● DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Кимдир узоқдаги фарзанди ёки ота-онаси ҳолидан хабарлашгиси келса, беминнат дастёр — телефондан фойдаланади. Гаплашиб кўнгли хотиржам бўлган киши беихтиёр телефон ихтирочисига ҳам, уни ишлатаётганларга ҳам раҳмат дейди. Агар бу айтганларимиз аксинча кўринишда бўлса-чи? Бир неча марталаб мурожаатлар қилинганига қарамасдан, ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган айрим раҳбарларнинг дастидан оддий телефон алоқасидан фойдаланиш имконияти чекланган абонентларнинг аҳолини тушуниш қийин эмас. Икки хил манзара, икки хил ёндашиш. Шундайлар борки, одамларнинг савобини олай дейди, айримларининг эса парвойи фалак.

## Алоқасиз қолган маҳалла

Хаммамизга маълумки, Давлат алоқа инспекциясининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги ташкилот ва корхоналардан фарқли ўлароқ, вазифаси истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш эмас, аксинча, соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилишдан иборат. Соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатидан норози бўлган мижозлардан ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг аксарият қисми Агентлик, шунингдек, ДАИ «Ишонч телефони» орқали келиб тушади.

Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекциясига 2006 йил давомида телефон хизматидан норози бўлиб жами 38 нафар истеъмолчи мурожаат қилган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 50 нафарга етди. Шундан 23таси Олмалик телекоммуникациялар боғламасида кўрсатилаётган хизматлардан қоникмаслик оқибаотида юзага келган. Ушбу мурожаатлар ўрганиб чиқилганида, уларнинг барчаси асосли эканлиги аниқланди.

Шундай мурожаатлардан бири Олмалик шаҳар, «Ўзбекистон-17» маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига йўлланган мурожаатдир. Унда шундай ёзилган:

*«Жители махалли «Ўзбекистон-17» убедительно просят помочь в нашей беде, дело в том, что работники АТС не реагируют на наши заявки и просьбы, телефоны в махалле не работают годами и никто об этом не беспокоится, всем все равно...»*

Ушбу мурожаат Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги топширигига асосан Давлат алоқа инспекцияси томонидан жойига чиқиб ўрганилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам маҳалла аҳолиси йиллаб телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятидан маҳрумлиги ва Олмалик телекоммуникациялар боғламаси раҳбарияти томонидан телефон алоқасидаги носозликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганиги маълум бўлди. Боғлама томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Олмаликда 2006 йилнинг июн ойидан бери телефонлари ишламайдиган абонентлар мавжуд экан. Бунга алоқа линия-кабел хўжалигида номаълум шахслар томонидан содир этилаётган ўғирликлар рўқач қилинган.

Олмалик телекоммуникациялар боғламасидаги мутасадди раҳбарларнинг бепарволиги оқибаотида алоқа линияси-

нинг ишлаш-ишламаслиги устидан назорат йўлга қўйилмаган. Бундай дейишга 2006 йилнинг 1 июнидан 2 июнига ўтар кечаси «Ўзбекистон-17» маҳалласидаги Андижон кўчасидан ТПП 20х2 русумли кабелнинг 30 метри номаълум шахслар томонидан ўғирланиши натижасида юзага келган телефон алоқасидаги узилишлар ўз вақтида бартараф этилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган йўналишдаги тарқатиш кабел хўжалигини қайта тиклашга қадар телефон рақамларни назорат муддатидан ортиқ ишламаган вақти 507066 тел/соатни ташкил этди. Агарда шундай бепарволикка чек қўйилмас экан, бу фақатгина линия-кабел хўжалигини эмас, балки бутун бошли алоқа тизими кабелларининг ўғирланишига олиб келиши аниқ.

Олмалик телекоммуникациялар боғламасининг 5-АТС КРОССдан мурожаатчиларнинг абонент карточкалари кўтарилиб, охириги мурожаатлари тўғрисидаги

маълумот олинганида, абонент карточкалар ўрнатилган тартибда юритилмаётганлиги, яъни ўғирлик содир бўлганида

Агарда шундай бепарволикка чек қўйилмас экан, бу фақатгина линия-кабел хўжалигини тизими кабелларининг ўғирланишига олиб келиши аниқ.

белги қўйилмаётганлиги, фақат абонентлар таъмирлаш бўлимига мурожаат қилганларидагина қайд қилинганлиги аниқланди.

Қўшимча ўтказилган мониторинг асосида 2006-2007 йиллар мобайнида «Ўзбекистон-17» маҳалласида истиқомат қилувчи мижозлардан телефон рақамлари ишламаслиги масаласида 20 марта мурожаат тушганлиги, шулардан 3таси жамоа мурожаати эканлиги маълум бўлди.

Бундан кўриниб турибдики, Олмалик телекоммуникациялар боғламаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларининг талаблари бажарилмаган.

Кўрилган қатъий чоралар натижасида «Ўзбекистон-17» маҳалласида истиқомат қилувчи мижозлар телефонларининг ичи ҳолати тикланди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Истеъмолчилардан келиб тушаётган мурожаатларни ҳар бир корхона раҳбари ва мутасадди ходимлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқишга, нафақат мурожаатларнинг камайишига, балки ўз корхоналари даромадларининг ортишига ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Анвар НУРИДДИНОВ,  
Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

MULOHAZA UCHUN MAVZU

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мобил телефон – мураккаб қурилма

Мобил телефонларнинг оммавийлиги ва хизмат кўрсатиш доираси шу даражада ривожланиб бораптики, у нафақат сўзлашув қурилмаси, балки ён дафтарча, соат, почта ва интернет, аудио ва видео плеер, фото ва видеокамера, компьютер ва ҳоказо вазифаларни bajaruvchi мураккаб технологияга айланиб улгурди. Натижада, уяли телефон кўпгина технология ва хизматларнинг ўрнини забт этмоқда.

Мамлакатимизда мавжуд мобил алоқа операторлари – «MTS-O'zbekiston» («Uzdunrobita», GSM стандарти), «Билайн» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Unitel» МЧЖ (GSM стандарти), «COSCOM» ҚК (GSM стандарти), «Perfectum Mobile» (Rubicon Wireless Communication, CDMA стандарти) ва «Ўзбектелеком» АКнинг «Ўзбектелеком Мобайл» филиали («Uzmobile» савдо белгиси, CDMA стандарти) қатор янги хизмат турларини тақдим этишда давом этмоқда. Сўзлашув нархларининг пасайиб, мулоқот доирасининг кенгайиб бораётгани мижозлар сонининг юқори суратларда ўсишини таъминлаётди. Агар мамлакатимизда мобил алоқа мижозлари сони шу йилнинг 10 январидан 6 миллиондан ошган бўлса, бу кўрсаткич икки ойдан сўнг 7 миллионга етди. Бу ҳали чегара эмас. Кузатувчилар 2009 йил бошларига бориб бу кўрсаткич икки бараварга ошишини тахмин қилишмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Unitel» МЧЖнинг йил якунлари ва келгуси режаларига бағишланган йиғилишида компания раҳбарияти ўз абонентлари сонини 2008 йилнинг ўзидан яна беш миллионга оширишни режалаштирганини билдиришди. Қолаверса, бошқа мобил алоқа операторлари ҳам бу курашдан четда турмаслиги аниқ. Бундай рақобатдан эса биринчи навбатда мижозлар ютади. Демак, янгиликларни кутиб қоламиз.

Мобил алоқа хизматлари арзон мамлакат

Шу ўринда савол туғилади: мамлакатимизда абонентлар сони бу даражада тез ўсишининг сабаби нимада? Мақоламиз аввалида келтириб ўтганимиздек, бир дақиқа сўзлашув учун 0,12 цент ҳақ тўлаш қаерда-ю, бугунги кундаги 0,02 цент тўлови (уч-тўрт йил ичидаги фарқ олти баробар) қаерда?! Бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўзлашув учун тўловларнинг пасайиши бутун дунёда бир хилда кузатилаётгани йўқ. Мисол учун, бир дақиқа сўзлашув нархи Францияда — 0,16 цент, Италияда — 0,18, Буюк Британияда — 0,19, Испанияда — 0,21, Швейцарияда — 0,29 центга тенг. Айрим араб мамлакатларида нархлар бундан ҳам юқори.

Аҳолининг кенг қатлами алоқа хизматларидан арзон нархларда фойдаланиш имконига эга бўлиши ўз-ўзидан юзага келди, деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор

ҳамда кўрилган зарурий чора-тадбирлар соҳада соғлом рақобатни юзага келтирди. Рақобат бор жойда эса одиллик ҳукм суради. Фирмимизни World Development Indicators database ташкилоти томонидан тузилган рейтинг кўрсаткичи ҳам исботлайди: мобил алоқа хизматлари энг арзон мамлакат-

тонни келтириб чиқаришини маълум қилишди. Уларнинг фикрича, беш йил мунтазам мобил телефондан фойдаланиш оғиз бўлишида саратоннинг ривожланиш эҳтимолини 50 фоизга ошираркан. Бу каби чиқишлар бот-бот такорланмоқда. Лекин бунинг акси бўлган фикрлар ҳам йўқ эмас. Бир

Юқорида айтганимиздек, ёшларнинг ҳар томонлама етук ўсиши учун ҳар бир киши масъул саналади. Айниқса, ота-оналар, тарбия муассасалари ходимлари зиммасига кўпроқ вазифа юкланади. Ҳар қандай ишнинг меъёрий-ахлоқий жиҳатлари бўлганидек, мобил телефонлардан фойдаланишнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Бу қоидаларни болаларга ўз вақтида ўқитиш, сўзлашув маданиятини улар онгига синдириб бориш жуда муҳимдир. Ҳозир кўча-кўйда, шаҳар транспортда, билим даргоҳларида ёш болаларнинг ҳам қўлида телефон учратамиз. Уларга одамнинг ҳаваси келади. Авваллари ёшларнинг магнитофон у ёқда турсин, радиоплеерга ёки оддий қўл соатига эга бўлиши амримаҳол эди. Турли электрон ўйинлар ўйнаш учун атайлаб истироҳат боғларига бориладди. Энди буларнинг бари – шу болакай кўтариб юрган биргина телефонда мужассам. Лекин улар бу жиҳоздан тартибли фойдаланишни билишадими?

Ҳозирда олимлар болалар келажagini ўйлаб, уларнинг мобил телефондан фойдаланишини таъқиқлаш керак, деган хулосага келишмоқда. Маълум бўлишича, мобил телефонда ҳаддан ортқ сўзлашиш бош оғриғи, паришонхотирлик, хотира сустлашиши каби хасталикларни келтириб чиқарар экан. Белгиялик бир гуруҳ педиатр-шифокорлар узоқ изланишлардан сўнг шундай хулосага келишди: мобил телефонлардан нурланиш бола миясининг ривожланишини қийинлаштиради.

Инсон организмнинг 80 фоизи сувдан иборат ва у электромагнит нурлар оқибатида микротўқинли педча овқат қизигани каби парланади. Уяли телефонда гаплашилган ҳар ўн дақиқа тана ҳароратини бир даражага оширади. Шу тарзда қулоқда ушлаб турилган телефон аппарати бош мия айрим қисмларининг буғланишига олиб келади. Бунинг оқибатида бош оғриғи, паришонхотирлик, хотира сустлашиши, ташналик, қулоқдаги шовқинлар каби асоратлар юзага келиши мумкин. Шу сабабли ҳам телефонда меъёрдан ортқ гаплашмаслик керак.

Сув – текинми?..

"Сув текин", "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" деган иборалар шунчаки пайдо бўлмаган. Имконияти, қурби етганда олди-орқасига қарамай сарфлашга одатланган, минг афсуски, инсонга хос хусусият. Сув – текин экан, деб уни истаганча сарфлаш исрофгарчилик белгиси. Худди шу каби "Қурбим етадим, телефонда хоҳлаганча гаплашаман", дейиш ҳам нотўғри. Бундан нафақат ўзимиз, балки яқинларимиз, атрофимиздагилар зарар кўради.

Ҳар бир кишининг тараққиёт ютуғи ҳисобланмиш мобил алоқа хизматларидан фойдаланиши тарафдоримиз. Яқин вақтлар ичида шундай бўлишига ишонамиз ҳам. Фақат, биз учун қанчалик арзон ва одатий бўлиб бормасин, бу имкониятлар ҚАДРИГА етайлик. Қадр бўлганда меъёр ҳам, тартиб-қоида ҳам ўз изига тушиб, мобил телефонлар билан боғлиқ ҳар хил касалликлар, улардан кўрқиб яшаш билан боғлиқ муаммолар бизни четлаб ўтаверади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ЁШЛАР, ТЕЛЕФОН ВА МЕЪЁР



лар ичида Ўзбекистон 3-ўринини эгаллаб турибди. Рейтингда кўрсатилишича, жаҳоннинг 182та мамлакатидан сўзлашув учун тўловлар биздан кўра қимматга баҳоланади. Демак, биз мобил алоқа хизматларидан энг арзон нархларда фойдаланяпмиз.

Мобил телефони ва саратон касаллиги

Бу икки бир-бирига умуман алоқадор бўлмаган иборалар йиғиндиси сўнгги пайтларда тез-тез қулоғимизга чалинмоқда. Сабаби, турли давлатлар олимлари мобил телефондан фойдаланиш саратон касаллигини келтириб чиқаради деган хулосага келишмоқда. Яқинда исроиллик олимлар мобил телефонлар оғиз бўлишида сара-

қатор олимлар саратон касаллигига мобил телефонларнинг дахли йўқлигини таъкидлашади. Хуллас, бу борада бир тўхтамага келиш қийин. Шу сабабли, эътиёткорлик мақсадида бир нарсани – меъёрни унутмаслик керак.

Меъёр нима учун зарур?

Ёшлар – юртимиз келажакига устун бўладиган куч. Уларнинг билмили ва соғлом вояга етиши учун барча бирдек масъул ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган гамхўрлик аллақачон ўз мевасини бермоқда. Бугун иқтисодийётимизнинг турли жабҳаларида эришилаётган ютуқларда ёш мутахассисларнинг салмоқли ҳиссаси яққол кўзга ташланаётир.

## Конкурс эрудитов в ИБЦ

**Вот уже много лет подряд Самаркандский областной информационно-библиотечный центр имени А.С.Пушкина тесно сотрудничает с газетой «Эрудит». Это происходит как на уровне руководства, так и в среде читательской аудитории.**

Одна из форм сотрудничества – ежегодное проведение на базе ИБЦ очного газетного интеллектуального конкурса «Стань чемпионом года!».

Участниками финала и в этом году стали победители отборочных туров, набравшие по условиям конкурсов наибольшее количество баллов и занявшие первые места в рейтинговой таблице в разрезе регионов.

30 марта нынешнего года Самарканд как всегда собрал лучших из лучших эрудитов из всех областей республики. Всего в конкурсе участвовало 26 человек.

Конкурсным заданием чемпионата был сканворд объемом около 170 слов и викторина, а на решение заданий участникам отводился 1 час.

Жюри, состоящее из читателей газеты, ее активистов, работников и специалистов редакции газеты и библиотеки, определило следующих победителей года. Третье место и приз – DVD плеер получила жительница г. Самарканда Мелия Билялова.

Второе место занял представитель Ташкентской области из г.Алмалыка Владимир Грошев, ему был вручен мобильный телефон.

Первое место и приз – цветной телевизор был вручен эрудиту из Кашкадарьи Эдуарду Епешину.

Настоящий очный чемпионат является одной из форм популяризации газеты «Эрудит» среди населения и дальнейшего расширения читательской аудитории Самаркандского областного информационно-библиотечного центра имени А.С.Пушкина.

**Н. ОГНЕВА,**  
Зам. директора по библиотечной работе Самаркандского областного ИБЦ имени А.С.Пушкина

# Новости в сфере ИКТ

## Самая старая запись

Исследователи из группы изучения истории звукозаписи First Sounds, обнаружили и смогли проиграть звуковую запись народной песни, сделанную французским изобретателем в 1860 году, за 17 лет до того, как Томас Эдисон изобрел фонограф, сообщает Reuters. Протяженность её составляет 10 секунд. На записи слышен предположительно женский голос, который поёт «Au clair de la lune, Pierrot repondit».

Она была сделана 9 апреля 1860 года парижским изобретателем Эдуардом-Леонам Скоттом де Мартенвилем с помощью устройства, называемого «фоноавтограф». Оно процарапывало звуковые дорожки на листе бумаги, вычерченном дымом от масляной лампы.

Один из историков, Давид Джованнони, говорит, что запись, изначально, не предназначалась для прослушивания. Единственным намерением изобретателя было запечатлеть визуально на бумаге звуковые колебания.



## Обнарудован численность веб-сайтов



Компания Netcraft обнарудовала результаты очередного исследования, в ходе которого оценивалась динамика роста численности веб-сайтов во Всемирной сети.

Согласно статистике Netcraft, по состоянию на март нынешнего года, в интернете насчитывалось порядка 163 миллионов сайтов. Это на 4,5 миллиона больше аналогичного показателя за прошлый месяц. Рост количества веб-сайтов компания Netcraft объясняет, прежде всего, высокой популярностью блогов и социально-ориентированных сервисов.

Наиболее популярным серверным ПО, по статистике Netcraft, остается Apache. Доля этого веб-сервера в настоящее время составляет немногим менее 51% (82,5 миллиона сайтов) от общего объема соответствующего сегмента рынка. Второе место по распространенности занимает серверное ПО Microsoft, доля которого в марте была равна 35,5% (57,7 миллиона сайтов).

Далее следуют программные платформы Google (5,5%, 9 миллионов сайтов), веб-сервер lighttpd (0,95%, полтора миллиона сайтов) и серверная платформа Sun (0,34%, около 550 тысяч веб-сайтов).

## Пользователям бесплатный антивирус

Компания «Яндекс» объявила о том, что теперь у пользователей программы «Я.Онлайн» появилась возможность бесплатно защитить свой компьютер от вредоносного ПО при помощи «Антивируса Касперского».

Приложение «Я.Онлайн» отображает уведомления о новых письмах в почтовом ящике на «Яндекс» непосредственно на рабочем столе компьютера. При поступлении уведомления пользователь может щелкнуть по нему и быстро получить доступ к содержимому сообщения. Кроме того, интерфейс программы «Я.Онлайн» имеет поисковую строку и два информера. Приложение «Я.Онлайн» было выпущено в сентябре прошлого года, и на текущий момент им пользуются около 200 тысяч подписчиков «Яндекса».

Как сообщается в пресс-релизе, теперь у пользователей почтовой службы «Яндекса» появилась возможность скачать версию «Я.Онлайн» со встроенным модулем антивирусной защиты Касперского. Программа содержит ключ для работы в течение полугода. По истечении этого срока пользователи смогут получить новый ключ – также бесплатно.



## Кубинцам разрешили мобильную связь

На Кубе отменяются все ограничения на пользование мобильными телефонами — в соответствии с одной из реформ, проводимых новым президентом Раулем Кастро.

В заявлении, публикуемом в официальной газете Granma, государственная телекоммуникационная компания ETESCA сообщает, что в ближайшие несколько дней предложит гражданам услуги мобильной связи.

У некоторых кубинцев уже есть мобильные телефоны, но они должны были их приобретать через третьих лиц, часто - иностранцев. Уровень использования мобильных телефонов на Кубе остается одним из самых низких в Латинской Америке.

Отныне кубинцы смогут свободно оформлять подписку на пользование услугами мобильной связи на свое имя, а не просить об этом иностранцев или пользоваться служебным адресом.

Однако оплата будет взиматься в иностранной валюте.



## АФОРИЗМ

Змею увидел — бей, не упусти,  
Беды избегнешь на своем пути.

Алишер НАВОИ

# Хабар +tv

## ОТЯЖЕСТО

- 5.55 Курортлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
- 7.00 «Сарой жавоари» Т/с
- 7.35 «Менг бир равиёт»
- 7.40 «Дилуш наволар»
- 8.00-8.45 «Ташкилчи»
- 8.45 «Стиль мерос»
- 8.55 «Жанн Отен Увайсий» В/ф
- 9.30 «Ортин бўйлаб» дастури
- «Муҳаддас қадимколлар»
- «Болалар сайраган»
- 9.55 «Болалар дўст»
- 10.15 «Қўқ сонги ва мулк» М/с
- 10.35 «КиноТеатр»
- 11.00 «Абзорот»
- 11.10 «Ватанлар»
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
- 13.00 «Стиль ва одан» дастури
- «Фавқалтад Эшқити»
- 13.30 «Стиль мерос»
- 14.00 «Абзорот»
- 14.20 «Сохибаран» Спектакль
- 16.40 «Ортин бўйлаб» дастури
- «Муҳаддас қадимколлар»
- 17.00 «Абзорот»
- 17.15 «Стиль мерос»
- 17.20 «Агар Сиз»
- «Болалар сайраган»
- 17.40 «Эрталаб» - «Шайхона етаклар»
- 18.00 «Сизнинг адоқити»
- 18.05 «Итзор»
- 18.10 «Динлар шайхони» Т/с
- 18.40 «Менг бир равиёт»
- 18.50 «Бир кун»
- 19.15 «Оналар ошисида»
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эшқити
- 19.30 «Абзорот» /рус/
- 20.05 «ТВ шифорат»
- 20.10 «Анча ёлгон» Т/с
- 20.50 «Менг бир равиёт»
- 21.00 «Абзорот»
- 21.35 «Одамфуршлар»
- 21.55 «Сунги киракчи» Т/с
- 23.00 «Қўшмадан, муҳаббат» /SMS/
- 23.10 «Виктор» Т/с
- 23.53, 23.55 Тунги наволар
- «Шеф-кадан»
- 23.55 Курортлар дастури
- 24.00 «Жанн Отен Увайсий» В/ф
- 00.40 «Ортин бўйлаб» дастури «Езу миданети тарихи»
- 01.00 «Абзорот» /рус/
- 01.30 «Ешлар оқшомини»
- 01.40 «Сохибаран» Спектакль
- 01.50 «Абзорот»
- 04.30 Эзои альбом
- 04.35 «Менг бир равиёт»
- 04.40 «Стиль мерос»
- 04.50 «Ортин бўйлаб» дастури
- «Муҳаддас қадимколлар»
- 05.10 «Динлар шайхони» Т/с
- 05.40-05.55 Тунги наволар



- 15.55 «Аждодлар сароли»
- 16.00 «Дар»
- 16.10 «Шерлок Холмс» Т/с
- 16.45 «Тасвир ва тасвурот»
- 17.00 «Даррагчи боласи»
- 17.10 «Болалар байрам»
- 17.15 «Телеурон настила»
- 17.21 «Эшқити идрозидан»
- 17.30 «Ешлук байон»
- 17.40 «Соғилук байон»
- 18.00 «Мулти мулкот»
- 18.20 «Бир само ошдан»
- 18.55 «Оғур пиланич»
- 19.00 «Дар»
- 19.30 «Анча» Т/с
- 20.10 «LizEX хабарларин»

## ДУШАНБА — 7 АПРЕЛ

- 20.15 «Ватан»
- 20.20 «ТВ-бон»
- 20.30 «LizEX хабарларин»
- 20.40 «Қўшма наволарин»
- 21.00 «Ватан мерси»
- 21.10 «Муком» Т/с
- 21.55 «Телеуффа»
- 22.00 «Дар»
- 22.30 «SMS-музыка»
- 23.00 «Уай-мемто» Т/с
- 23.45 «Тасвир»

## ТОЖИКИСТОН

- 17.55 Курортлар дастури
- 18.00 Мултифильм «Маугли» - 5-курс
- 18.10 21.50 «Телеурон» - маркет
- 18.25 «Биланс»
- 18.30 «Пошта»
- 18.50 «Эомаралда» Т/с
- 19.20 «ТВ юрст»
- 19.25 «Музыка SMS»
- 19.55 «Саноат бўйлаб» /рус/
- 20.00 «Пошта» /рус/
- 20.15 «ТВ юрст» /рус/
- 20.20 «Милгрот» Т/с /рус/
- 20.50 «Итгера»
- 21.00 «Жозаб»
- 21.30 «Пошта»
- 21.45 «Ушкани»
- 22.10 «Аёл қабри»
- 22.30 «Пошта» /рус/
- 22.50 «Қош SMS оқ заваддин»
- 22.55 «Қош Кин» «Флешка»

## СПОРТ

- 7.00 «Бабур урчи»
- 8.00 «Тилар»
- 8.25 «Милла»
- 9.20 «Фурат»
- 10.00 Сервал «Тиларин дари»
- 11.50, 12.00 Спортнинг гиннастикси
- Чемпионат Европи»
- 18.00 «Полонез»
- 18.20 «Пилар»
- 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
- 18.55 «Музейи бай»
- 19.20 «Қуш нимага қарор?»
- 19.50 «Спорт»
- 20.00 Баккетбол, Бардига. 1/4 финали.
- «Олимпиадор» (Греция) - ЦСКА (Россия)
- 20.40 «Милан Ерма» Сервал
- 21.30 «Хабарлар» (рус тилида)
- 21.55 «Жиди кел»
- 22.45 «Бир-еб-рав»
- 22.55 ЕВРОФИТБОЛ Испания чемпиони «Барселона» - «Хетафе»
- 00.30 Футболчи ошдан бўлини»

## БИРИНЧИ

- 04.00 08.05 Тиланканал «Добро урчи»
- 08.00 11.00 14.00 Новости
- 08.25 «Милла»
- 09.25 «Контрольная закупка»
- 10.00 Сервал «Убойная сила»
- 11.15 «Модный приговор»
- 12.20 «Детективы»
- 13.00 Друзья новости
- 13.25 «Почти Простые»
- 14.20 «Звездный отряд»
- 15.00 Сервал «Огонь любви»
- 15.55 «Федеральный судья»
- 17.00 Вероника новости
- 17.20 Жиди мена

- 18.10 «След»
- 19.00 Сервал «Преврещенца цирка»
- 20.00 «Врем»
- 20.30 Сервал «Алпост»
- 21.25 «Самодур»
- 22.25 Проект «Дюнажная Америка»
- 23.20 Новости
- 23.35 Иналтея «Молодая гвардия» По следу прашател»
- 00.20 Х/ф «Смертельные мысли»

## РОССИЯ

- 04.00 «Добро урчи» /Россия/
- 07.55 Х/ф «Синия борода»
- 08.45 18.50 «Вести» Джуржина часть»
- 10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести»
- 10.25 13.20 «Местное время» Вести - Москва»
- 10.45 Т/с «Частный детектив»
- 11.40 Х/ф «Красное и черное»
- 13.40 Т/с «Мичка»
- 14.35 «Суд идиот»
- 15.30 Т/с «Кутяки и гости»
- 16.30 «Местное время» Вести - Московская область»
- 17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
- 18.00 Т/с «Поздние люди»
- 19.30 «Местное время» Вести»
- 19.50 «Скорый ноябрь, мальчиш»
- 20.00 Т/с «Два сестры»
- 21.55 «Джуржина по стране»
- 22.50 «Вести +»
- 23.10 «Частный детектив»
- 23.40 «Новые»
- 00.05 «Дорогой патруль»
- 00.25 Х/ф «Мир призраков»
- 02.30 «Комната смеха»

## НТВ

- 05.00 «Сегодня утром»
- 08.00 «Сегодня вечер»
- 09.00 12.00 15.00 21.40 «Сегодня»
- 09.25 14.30 17.30 «Крестьянское происхождение»
- 09.55 «Кульварный поединок»
- 10.55 «Квартирный вопрос»
- 12.30 Т/с «Адвокат»
- 15.30 Т/с «Ильичи разбиты фонарем»
- 18.40 Т/с
- 22.05 Т/с «Ставка на жизнь»
- 23.05 «Школа злополучия»
- 23.55 «Охотники»
- 00.30 Х/ф «Милосад жена»
- 02.20 Т/с

## КУЛЬТУРА

- 06.00 Кален «Европа»
- 09.00 18.30 22.30 «Новости культуры»
- 09.20 «В гостини»
- 09.40 01.35 Программа передач»
- 09.50 «Воскрешение Достоевского»
- 10.15 Х/ф «Два»
- 11.45 «Линей эскадр» А. Васильев»
- 12.40 «Лето измерение»
- 13.10 Х/ф «Демонстри»
- 14.25 «Драматическая история с К. Андреевном»
- 14.55 «Порядок слов»
- 15.00 М/с «Вилли Фог 2»
- 15.25 «Анда возмезд»
- 15.55 Д/ф «Вериги»
- 16.05 Д/с «Путешествие в царство животных» 10 с»
- 16.35 «Грешные судьбы» «Елизавета Гейтнер-Ротон»
- 17.00 Д/ф «Анча. Город святых, город каиней»
- 17.15 «Достоиние республикан»
- 17.30 «БлонНТ»

- 18.00 «Ночной полет»
- 18.55 Д/с «Как создавались империи»
- 19.45 «Театральная летопись» ч. 1.
- 20.15 «Тайны забытых побед»
- «Самарской резиденци»
- 20.45 «Острова»
- 21.30 «Тем временем»
- 22.55 «Про АРТ»
- 23.25 «Экология литературы»
- 23.55 Д/ф «Восток, Запад, Россия»
- 00.40 Д/с «Как создавались империи»
- 01.25 Д/ф «Анча. Город святых, город каиней»
- 01.45 «Музыкальный момент»

## СТС

- 07.00 Т/с «Зена - королева воинов»
- 07.55 М/с «Смешарики»
- 08.00 11.30 18.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
- 08.30 20.00 Т/с «Пальцы дожи»
- 09.00 «Что у меня гитакласикан?»
- 10.00 19.30 01.00 История в деталях»
- 10.30 22.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»
- 11.00 17.30 «Галилео»
- 12.30 Т/с «Одна ночь любви»
- 13.30 Т/с «Люба, дети и завод»
- 14.00 М/с
- 17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
- 18.30 Т/с «Тайны Маленькой»
- 21.00 Т/с «Ранетки»
- 22.30 Х/ф «Простоквашино»
- 00.05 «Б кардер»
- 01.30 Т/с

## ТВ3

- 07.00 М/ф
- 07.45 М/с
- 10.00 19.00 Т/с «Барфи - истребительница валькиров»
- 11.00 Х/ф «Воины Зул»
- 13.00 Д/ф «Разрушители мифов»
- 14.00 18.00 Т/с «Звездные врата»
- 15.00 Д/ф «Получение на Давно»
- 16.00 «Городские легенды» Ростовские Лебедены»
- 17.00 Т/с «Удивительная история»
- 17.30 Т/с «Томия оборотене»
- 20.00 Т/с «Мадрид»
- 21.00 Д/ф «Тайные знаки» Екатерина Вироро. Поездник с магией»
- 22.00 Х/ф «Человек-линия»
- 00.00 Т/с «За гранью возможного»
- 01.00 Х/ф «Простые»
- Продолжение»

## НТНТ

- 05.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Бин»
- 05.55 «Глобальные новости»
- 06.00 12.30 18.00 Такси»
- 06.30 М/с «Ох, уж эти детой»
- 07.00 18.30 Москва: инструкция по применению»
- 07.30 «Ньюбизнесс» но факт»
- 08.30 Т/с «Саша + Маша»
- 09.00 17.00 19.00 Т/с «Частушки вместе»
- 10.00 М/с
- 13.00 Т/с «Женская лига: парни, деньги и любовь»
- 13.30 20.00 22.40 00.40 «Дом 2»
- 15.10 Боевик «Обитель зла 2: Апокалипсис»
- 21.00 Комедия «Дюкши до друзей»
- 23.10 «Секс - с А. Човой»
- 23.40 Наша песня»
- 23.50 Друзья дети»
- 01.35 Антония юмор»



5.55 Курстувалар дастури  
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»  
7.00 «Сарай жағвори» Т/с.  
7.35 «Мия бир ривоят»  
7.40 «Дилхуш наволар»  
8.00 8.35 «Аббот»  
9.35 «Олтин мерос»  
9.45 «Жаҳон Отин Увайсий» В/ф  
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муҳад-  
дас кадамколлар»  
«Болалар сайёраси»  
9.50 «Йила, Йила, Топ!»  
10.30 F Тошматов номдаги дуторчилар  
ансамблининг концерти  
10.50 «Сизнинг адвокатингиз»  
11.00 «Аббот»  
11.10 «ТВ шафқор»  
11.15 «Анчик ёлгон» Т/с.  
11.50 «Аббот» /«Ингилиз»/  
12.00 «Ассалом, Узбекистон!»  
13.00 «Сўнги қиролча» Т/с.  
13.55 «Эски альбом»  
14.00 «Аббот»  
14.20 «Олтин мерос»  
14.30 «Дунёнинг ишлари» Т/с.  
15.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муҳад-  
дас кадамколлар»  
15.25 «Интеллектуал ринг»  
16.10 «Обод манзиллар»  
16.30 «Шахсий фикр»  
17.00 «Аббот»  
17.15 «Олтин мерос»  
17.25 «Эзгулик»  
«Болалар сайёраси»  
17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
18.05 «Искор»  
18.10 «Дунёнинг ишлари» Т/с.  
18.40 «Мия бир ривоят»  
18.50 «Зийнат»  
19.10 «Охирагил оғушда»  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Аббот» /рус/  
20.05 «ТВ шафқор»  
20.10 «Анчик ёлгон» Т/с.  
20.25 «Мия бир ривоят»  
21.00 «Аббот»  
21.35 «Кушлук халити»  
21.55 «Сўнги қиролча» Т/с.  
23.00 «Кушимизим, муҳаббат» /SMS/

23.10 «Видеон» Т/с.  
23.50/23.55 Тунги наволар.  
«Ўзбекистан»  
23.55 Курстувалар дастури  
04.00 «Жаҳон Отин Увайсий» В/ф.  
04.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Езув  
машини тарихи»  
01.00 «Аббот» /рус/  
01.30 «Муборак сана»  
01.35 «Ешлар майдоми»  
03.00 «Аббот» /инглиз/  
03.10 «KINOMANIYA»  
03.40 «Истелда»  
04.00 «Аббот»  
04.30 «Муборак сана»  
04.35 «Олтин мерос»  
04.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муҳад-  
дас кадамколлар»  
05.10 «Дунёнинг ишлари» Т/с.  
05.40:05.55 Тунги наволар.



6.55 «Ақдодлар садоси»  
7.00 «Мультипано라마»  
7.40 «Сув ҳам тугайдим!»  
8.00 «Ешлар майдоми»  
9.10 «Қадрдан қўнчилар»  
9.20 «Йава» Т/с.  
10.00 «Дар»  
10.10 «Ешлар ил сайёти»  
11.00 «KINOMANIYA»  
11.30 «Нафосат олами»  
11.40 «Мулки мулзот»  
12.00 «Жумон» Т/с.  
12.40 «Journal»


13.00 «Дар»  
13.10 «Ватанпарвар»  
14.00 «Паро» Т/с.  
14.50 «Ешлар ил»  
15.00 «Ешлар майдоми»  
16.00 «Дар»  
16.10 «Шерлок Холмс» Т/с.  
16.45 «Тасвир ва таассурот»  
17.00 «Давринг боласи»  
17.10 «Болалар бақори»  
17.15 «Болалар табасмури»  
17.20 «Мультипано라마»  
18.00 «Мулки мулзот»  
18.20 «Дар» Т/с.  
18.55 «Кўт пиланиги»  
19.00 «Дар»  
19.30 «Али» Т/с.  
20.15 «Тафаккур чирогини»  
20.20 «Автотурли»  
20.40 «Кулкам наволари»  
21.00 «Ватан мекри»  
21.10 «Жумон» Т/с.  
21.55 «Телетура»  
22.00 «Дар»  
22.30 «Футбол-2008»  
23.00 «Хайт-мамонт» Т/с.  
23.45 «Тасвир»



17.55 Курстувалар тарихи.  
18.00 Мультифильм: «Маули» 6-қисм.  
18.10 21.50 «Телетура» - маркет.  
18.25 «Билосизми?»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Эмеральда» Т/с.  
19.20 «ТВ орист»  
19.25 «Муслик SMS»  
19.50 «Жумон»  
20.00 «Пойтахт» /рус/  
20.15 «ТВ орист» /рус/  
20.20 «Милнагор» Т/с /рус/  
20.50 «Репортаж»  
21.00 «Жаҳон»  
21.30 «Пойтахт»  
21.45 «Уйлари»  
22.10 «O'zbektelefilm» нақойиш этакди.  
«Тошкент ҳайвотот боғи»  
22.30 «Пойтахт» /рус/  
22.45 «Кино SMS со звездан»  
22.50:00.30 кино: «Рашид»



7.00 «Бўлор урто»  
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
07.00 09.00 12.00 15.00 18.00 «Сегодня».

07.15 «Русское лото».  
07.45 «Иль нрвы»  
08.25 «Едим дома»  
09.20 «Опытголик»  
09.50 «Авиаторы»  
10.20 Боевик «Пираты XX века».

12.25 Комедия «Аристерия»  
14.05 «Свои игра»  
15.25 «Борьба за собственность»  
16.00 Т/с «Адвокат».

18.55 «Чистосердечное признание»  
19.25 «Иррациональное происшествие»  
Обзор за неделю.  
20.00 «Главный герой»  
21.00 «Воскресный вечер с В. Соловьевым».

22.15 «Футбольная ночь»  
22.45 Ҳ/ф «Сиделетис»  
00.55 Ҳ/ф «В движении».




05.30 Канал «Европчос»  
06.00 06.50 Программа парадиди.  
09.10 «Обыкновенный концерт с Э. Эфреймовым»  
09.40 Ҳ/ф «Баллада о дроблестном рыцаре Аленго».

11.10 «Легенды мирового кино»  
11.40 «Музыкальный класс»  
12.00 М/ф: «Три толстяка», «Маленькая колдунья»  
13.05 Д/с «Спасение орангутанг. Калимантанский дневник», 1 с.

14.00 «Что делать?»  
14.45 «Экзотика»  
15.25 Д/ф «Памукале. Чудо природы агитенного Хиералоплиса».

15.45 Ҳ/ф «Кража».  
18.10 «По ту сторону музыки»  
18.55 «Вокруг смежан». Нон-стоп.  
20.35 Д/ф Загадан истории. «Карунт»  
21.30 Ҳ/ф «Преступление и наказание».


23.15 «Широкий формат».  
23.45 «Прогулки по Бродвей»  
00.10 «Джим 5». Д. Бенсон.  
00.40 М/ф «Королевская игра»  
00.55 Д/с «Спасение орангутанг. Калимантанский дневник», 1 с.



07.00 Ҳ/ф «Лесси»  
08.55 М/ф.  
09.30 «Плюк»  
10.00 «Том и Джерри. Комедийное шоу».

10.15 «Самый умный»  
12.00 «Галлею»  
13.00 «Свяжите это немедленно»  
14.00 «Чип и Дейл спешат на помощь»  
15.00 «Субун Ду»  
16.00 «Геркулес».


17.00 17.30 Т/с «Шаг за шагом»  
18.00 «Кто умнее птицеласник?»  
19.00 «Детские шалости»  
20.00 Т/с «Мемикан»  
22.00 Ҳ/ф «Смерть ей к лицу»  
00.00 «Хорошие шутки»  
02.00 Ҳ/ф «Малколланд Драйв».



07.00 «Унци»  
08.00 М/ф.  
10.00 Т/с «Томми-оборотени»  
11.00 Ҳ/ф «Шерлок Холмс и Доктор Ватсон. Знакомство».

14.00 «Мистика звезда»  
15.00 Т/с «Показанный»  
17.00 Ҳ/ф «Дорога в Зараемилу»  
19.00 Д/ф «Космические каскадеры»  
20.00 Д/ф «Городские легенды. Подмосковная тиремиди».

21.00 Д/ф «Тайные знаки. Люди-меланги»  
22.00 Т/с «Показанный»  
00.00 «Сумеречная зона»  
01.00 Ҳ/ф «Дневник ебт жыны».



05.00 М/с  
07.00 30.00 Наши песни.  
07.50 «Бинго-ТВ»  
08.00 20.00 00.00 00.40 «Дом 2».

09.00 «Школа ремонта». «Гармония в красном»  
10.00 «Звезды меняют профессию»  
11.00 «Битва экстрасенсов»  
12.00 Клуб бывших жин»  
13.00 «Cosmopolitan. Видеожурнал»  
14.00 Комедия «Лавка чудес».

15.45 Т/с «Саша + Маша»  
17.00 Танцы без правил»  
18.00 Такси в Питере»  
18.30 Т/с «Женская лига»  
19.00 «Битва экстрасенсов»  
21.00 «Комеди Клуб»  
22.00 Т/с «Женская лига»  
22.30 «Смех без правил»  
23.30 «Секс с А. Чеховой»  
01.35 Антология юмора.

**Душанба**

07.00 10.30 14.00 18.30  
20.00 Ўзбек навалари  
08.00 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 108-серия  
08.30 18.00 21.00 Мировые  
хиты  
09.30 Серил  
11.30 «Скала» Х/ф.  
14.30 «ПРЕМЬЕРА» (узб)  
15.00 Baby hits  
15.30 Мультфильм  
17.00 «Baby Terra Landiya»  
17.30 «Кинокурьер»  
19.30 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 109-серия  
21.30 Серил «24 часа»  
22.30 Комедия по понедель-  
никам: «ЛИЗЗИ МАКГУАЙЕР»  
Х/ф.  
00.20 Миксер

**Сешанба**

07.00 08.30 13.20 18.30  
20.00 Ўзбек навалари  
08.00 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 109-серия  
09.30 Серил «24 часа»  
10.30 17.00 18.00 21.00  
Мировые хиты  
11.30 «Лизи Макгуайер»  
Х/ф.  
14.30 «Кинокурьер»  
15.00 Baby hits

**Душанба**

05.45 Футбол. Премьер-лига.  
07.45 10.00 14.10 17.40 22.15 01.45  
«Вести-спорт»  
08.00 09.00 «Зарда с чемпионом»  
08.15 М/ф: «Ну, погоди!», «Двадцать  
Билево, или Животная история»  
09.15 «Мир детского спорта»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Вести-спорт. Местное время»  
10.15 Боксёрлик. ЧР. Женецкая  
«Спартак» (Московская область).  
ЦСКА  
12.05 Хоккей. ЧР. Финал.  
14.20 «Рыбалка с Радзивишисом»  
14.35 Футбол. Премьер-лига.  
16.35 22.35 «Футбол России»  
17.50 Футбол. Кубок УЕФА. 1/4 финал.  
«Байер» (Германия) — «Зенит» (Россия).  
19.35 Хоккей. ЧР. Финал. «Локомотив»  
(Ярославль) — «Салават Юлаев» (Уфа).  
23.40 «Неделя спорта»  
00.45 Фрэнчайзинг-шоу: Мировая  
сеть «Red Bull X-Fighters».  
01.55 «Хоккей России»  
02.10 «Сборная России»  
02.45 Хоккей. ЧР. Финал.  
04.55 Футбол. Премьер-лига. «Спартак»  
(Москва) — «Амкар» (Пермь).

**Сешанба**

07.00 «Легенда спорта»  
07.45 10.00 14.05 18.10 22.35 «Вести-  
спорт»  
08.00 09.00 «Зарда с чемпионом»  
08.15 М/ф: «Незайка в Солнечном  
городе»  
08.35 М/с: «Малыш Скуби-Ду»  
09.15 17.00 «Свой команд»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Путь Дракона»  
10.10 «Рыбалка с Радзивишисом»  
10.35 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
11.45 03.10 Хоккей. ЧР. Финал.  
«Локомотив» (Ярославль) — «Салават

15.30 Мультфильм  
17.30 «ПРЕМЬЕРА» (рус)  
19.30 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 110-серия  
21.30 Серил «24 часа»  
22.30 «ЧЕЛОВЕК ГОДА» Х/ф.  
00.35 Миксер

**Чоршанба**

07.00 08.30 13.35 18.30  
20.00 Ўзбек навалари  
08.00 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 110-серия  
09.30 Серил «24 часа»  
10.30 17.30 21.00 Мировые  
хиты  
11.30 «Человек года» Х/ф.  
14.30 «JannatMakon»  
15.00 Baby hits  
15.30 Мультфильм  
17.00 «Baby Terra Landiya»  
19.30 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 111-серия  
21.30 Серил «24 часа»  
22.30 Киноколлекция:  
«ВЗВОД» Х/ф.  
00.50 Миксер

**Пайшанба**

07.00 08.30 13.50 18.30  
20.00 21.00 Ўзбек навалари  
08.00 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 111-серия  
09.30 Серил «24 часа»

**RTR SPORT****Душанба**

18.20 20.30 23.30 01.45 Футбол. Лига  
чемпионов. 1/4 финал.  
03.55 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
04.45 Зинэва ивир острельники  
волей спорта «Адреналин Гейм».

**Чоршанба**

05.45 Футбол. Премьер-лига. «Шавке»  
(Ярославль) — «Зенит» (Санкт-  
Петербург).  
07.45 10.00 13.10 18.05 22.15 «Вести-  
спорт»  
08.00 09.00 «Зарда с чемпионом»  
08.15 М/ф: «Незайка в Солнечном  
городе»  
08.35 М/с: «Малыш Скуби-Ду»  
09.15 17.00 «Свой команд»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Зардостой уюк»  
10.40 22.35 03.55 Футбол. Обзор Лиги  
чемпионов.  
11.35 Спортивная гимнастика. ЧЕ.  
Женецкая.  
13.50 15.55 23.30 01.45 Футбол. Лига  
чемпионов. 1/4 финал.  
18.15 «Путь Дракона»  
18.50 Континентальная хоккейная лига.  
Жербыбул сарона 2008 — 2009.  
19.35 Хоккей. ЧР. Финал. «Локомотив»  
(Ярославль) — «Салават Юлаев» (Уфа).  
04.45 «Легенда спорта»

**Пайшанба**

05.45 Футбол. Премьер-лига. «Сатурн»  
(Москва) — «Локомотив» (Москва).  
07.45 10.00 13.50 17.55 20.45 01.45  
«Вести-спорт»  
08.00 09.00 «Зарда с чемпионом»  
08.15 М/ф: «Незайка в Солнечном  
городе»  
08.35 М/с: «Малыш Скуби-Ду»  
09.15 17.00 «Свой команд»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Путь Дракона»  
10.10 «Рыбалка с Радзивишисом»  
10.35 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
11.45 03.10 Хоккей. ЧР. Финал.  
«Локомотив» (Ярославль) — «Салават

10.30 17.00 18.00 Мировые  
хиты  
11.30 «Взвод» Х/ф.  
15.00 Baby hits  
15.30 Мультфильм  
17.30 «ПРЕМЬЕРА» (узб)  
19.30 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 112-серия  
20.30 «СПЕЦ РЕПОРТАЖ»  
21.30 Серил «24 часа»  
22.30 — 01.00 «ВОДНЫЙ МИР»  
Х/ф.

**Жума**

07.00 08.30 14.00 18.00 20.00  
Ўзбек навалари  
08.00 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 112-серия  
09.30 Серил «24 часа»  
10.30 17.00 21.00 Мировые  
хиты  
11.30 «Водный мир» Х/ф.  
14.30 «ПРЕМЬЕРА» (рус)  
15.00 Baby hits  
15.30 Мультфильм  
19.30 Серил «ЖАСИГА  
УХШАШИ ЙЎК» 113-серия  
21.30 Серил «24 часа»  
22.30 «ПЛАНЕТА ОБЕЗЬЯН»  
00.50 Миксер

**Шанба**

07.00 11.50 15.50 20.00 Ўзбек  
навалари

08.30 14.30 18.50 Мировые  
хиты  
9.30 «Планета обезьян» Х/ф.  
12.00 Baby hits  
12.30 Мультфильм  
16.30 Семейное кино:  
«МОДНАЯ МАМОЧКА» Х/ф.  
21.30 «ПРЕМЬЕРА» (узб)  
22.00 Блокбастеры по  
выходным: «ЧУЖИЕ ПРОТИВ  
ХИЩНИКА РЕКВИЕМ» Х/ф.  
23.50 — 01.30 Другая музыка

**Якшанба**

07.00 11.20 17.00 19.30  
21.00 Ўзбек навалари  
08.30 19.00 Мировые хиты  
09.30 «Чужие против  
хищника. Реквием» худ.  
фильм  
12.00 «BABY TERRA  
LANDIYA»  
12.30 Мультфильм  
14.30 Серил «Жасига  
Ухшаши йўк» 109-113  
сериялар  
17.30 «Спец. репортаж»  
18.00 Концерт  
20.30 «КИНОКУРЬЕР»  
21.30 «ПРЕМЬЕРА» (рус)  
22.00 Блокбастеры по  
выходным: «Я ЛЕГЕНДА»  
Х/ф.  
00.00 Миксер

**Шанба**

05.55 Футбол. Лига чемпионов. 1/4  
финал.  
08.00 10.00 13.50 19.00 22.55 01.25  
«Вести-спорт»  
08.10 17.00 Теннис. Кубок Дэвиса. 1/4  
финал. Россия — Чехия.  
10.10 23.15 «Вести-спорт. Местное  
время»  
10.15 «Легенда спорта». В небесах, на  
земли и на море.  
10.50 ПБ. Анилол Нуньес — Карлос  
Насаро.  
11.55 03.35 Регби. Кубок Европейской  
Нидерландия. Россия — Грузия.  
14.05 «Футбол России. Перед туром».  
15.55 Футбол. Премьер-лига.  
19.15 Волейбол. ЧР. Мужчины.  
«Локомотив-Белогорье» (Белгород)  
— «Искра» (Дальний)  
21.00 «Тонис отрыва»  
21.40 Дзюдо. ЧЕ.  
23.25 Футбол. Чемпионат Италии.  
«Ювентус» — «Милан»  
23.30 «Тонис отрыва»  
«Спартак» (Нальчик).

**Якшанба**

05.55 Футбол. Лига чемпионов.  
08.00 10.00 14.10 17.00 22.55 01.25  
«Вести-спорт»  
08.10 17.10 Теннис. Кубок Дэвиса.  
10.30 23.15 «Вести-спорт»  
10.15 «Страна спортивных»  
10.45 Стрельба из лука. Кубок мира.  
11.30 «На аска парус»  
11.35 Футбол. Премьер-лига.  
12.00 «Тонис отрыва» «Спорт» по  
олимпийскому экстриму.  
13.35 04.50 «Сборная России»  
14.20 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.  
14.55 Футбол. Премьер-лига.  
23.25 Футбол. Чемпионат Италии.  
01.35 Дзюдо.  
02.50 Волейбол. ЧР. Мужчины.

**Тўртинчи дарс учун амалий топшириқлар**

**1-вазифа. Асбоблар панелини бошқариш.**

- 1) "Вид" менюсида "Панели инструментов" (Асбоблар панели) бўлимини топамиз.
- 2) Очилган менюда "Настройка изображения" бўлимини танлаймиз.
- 3) 1 ва 2 қадамларни қайтариб, "Панели инструментов" ёрдамида "Настройка изображения" панелини яшириб қўйинг.
- 4) Асбоблар панелининг исталган бир қисмида сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз ва 2, 3 қадамларни такрорлаймиз.
- 5) Асбоблар панелини вертикал ҳолатга келтириш учун унинг устига сичқончанинг чап тугмасини босиб экраннинг чап ёки ўнг тарафига жойлаштирамиз.
- 6) Динамик панелини яратинг. Бунинг учун панель сарлавҳасини синчқонча ёрдамида хоҳлаган жойга жойлаштиришингиз мумкин ва панелининг бўш қисмини сичқонча билан икки марта босинг.
- 7) Динамик панель ўлчамини ўзгартириш учун сичқончани унинг четига олиб келиб, унинг шакли икки тарафли кўрсаткич кўринишини олганида, уни босиб, хоҳлаган томонга тортинг.
- 8) Асбоблар панелини асил ҳолатига қайтариш учун унинг сарлавҳасини икки марта сичқонча чап тугмаси билан босамиз.

**2-вазифа. Асбоблар панелига тугма қўшиш ва олиб ташлаш.**

- 1) Сичқончани "Стандартная" инструментлар панели ўнг тарафига олиб борамиз.
- 2) Пайдо бўлган ойнадан "Добавить или удалить кнопки" бўлимини танлаймиз.
- 3) "Найти" тугмасини босинг. Асбоблар панели пайдо бўлади.
- 4) Тугмани йўқотиш учун 1,2 қадамларни қайтарамиз.

**3-вазифа. Асбоблар панелига тугмаларни "Настройка" ойнаси орқали қўшиш.**

- 1) Менюдаги "Сервис" бўлимида "Настройка" буйругини танланг.
- 2) Очилган диалог ойнасида "Команды" иловасини танланг.
- 3) "Категория" дарчасида "Формат" бўлимини топинг.
- 4) "Команда" дарчасида "Надстрочный знак" белгисини танлаб, уни "Стандартная" асбоблар панелига судраб ўтказинг. Жойлаштирилиши керак бўлган жойда қора белги пайдо бўлганда, сичқончани қўйиб юборинг.
- 5) "Надстрочный знак" тугмаси "Стандартная" асбоблар панелига

Давоми бор.

8

**КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ**



**Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Хабар» газетаси тахририяти**

(Давоми. Аввали газетанинг 9 ва 13-сонларида.)

**Учинчи дарс. Матн кўринишидаги ахборотлар билан ишлаш**

MS Word дастурининг асосий функционал имкониятлари:

- Матнни териш;
- Орфография (имло)ни текшириш, синонимлар танлаш, тезариус;
- Матн киритилишини автоматлаштириш (автоалмашинув, автоматн, автоформат);
- Ҳужжатлар яратишда шаблонлардан фойдаланиш;
- Ҳужжатни қидириш ва ўзгартириш;
- Ҳужжатларни ҳимоялаш;
- Жадваллар билан ишлаш;
- Кўп ойнали интерфэйс билан ишлаш;
- Матнни форматлаш;
- Матнли ҳужжатга график объектлар ва жадваллар киритиш.

**Дастурни юклаш:**

- Иш столидаги ярлык орқали
- "Пуск" тугмаси орқали
- Панел задач (вазифалар панели)даги ярлык ёрдамида.

**Дастур ойнаси:**

- Сарлавҳа қатори

1

**Матн нусхасини БУФЕР ОБМЕНА ёрдамида олиш**

**БУФЕР ОБМЕНА** — оператив хотиранинг бир қисми бўлиб, матннинг нусхаланган ёки кесиб олинган қисми вақтинча жойлаштириш учун ишлатилади.

Матн қисми белгиланиб бир марта Буфер Обменага жойлаштирилганидан сўнг ундан бир неча бор фойдаланиш мумкин:

- Word процессоридоги турли ҳужжатларга;
- шу ҳужжат;
- Windowsдаги бошқа дастурларга.

Буфер Обмена 24тагача ҳужжат сақлай олади. Буфер Обмена ичидаги нарсаларни кўриш учун "Правка" менюсида Буфер Обмена Office буйругини танлаймиз.

**Буфер Обмена ёрдамида матнни қўйиш**

1. Ҳужжатнинг керакли жойга курсорни қўйиб.
2. Буфер обменада керакли бўлган қисм устига чап тугмани босамиз.

Буфер Обменадан ускуналар панелининг Стандартная тугмаси орқали, Правка менюси орқали ва клавиатурадан фойдаланиб ишлатиш мумкин.

**Белгилаш усуллари**

Танлаш соҳаси – тахрирчи ойнасининг чап тарафида жойлашган, унда сичқонча курсори кўрсаткич кўринишини олади; матн фрагментини белгилаш учун фойдаланилади.

**1-жадвал**

Ажратиш элементи	Сичқонча амали
Ихтиёрый элемент ёки матн блоки	Кўрсаткични блок бошига олиб бориб чап тугмани босган ҳолда блокни белгилаб оламиз.
Сўз	Сўзда икки марта босиш керак
График	Графикда бир марта босиш
Матн қатори	Сатрнинг чап тарафидаги ажратиш чизигида
Матнда бир неча қатор	Ажратиш чизигига кўрсаткични олиб бориб чап тугмани босган ҳолда сатрларни бўяш
Ҳап	Ctrl тугмасини босган ҳолда сичқонча ўнг тугмасини тапнинг ихтиёрый нуқтасига босиш.

6

11. Ажратилган матн бўлаги, жадвал, намойишлардан нусха олиб, уларни алмашинув буферига ўтказиш.

12. Алмашинув буферидоги манбаларни курсор турган жойга киритиш.

13. Намуна бўйича форматлаш. Ажратилган ҳужжат услубини ҳужжатнинг бошқа бўлақларига кўчириш учун қўлланилади.

14. Сўнгги амални бекор этиш.

15. Бекор этилган амални қайтариш.

16. Гипермуружаатларни киритиш. Бу бошқа ҳужжат, дастур ёки веб-сайтга муружаат этиш имконини беради.

17. ТАБЛИЦЫ И ГРАНИЦЫ асбоблар панелини ўчириш ёки ёқиш.

18. Жадвал киритиш.

19. EXCEL электрон жадвалини киритиш.

20. Устунлар. Бу тугма босилгандан сўнг устунлар сонини киритиш имконини берувчи ойнани акс этади.

21. Чизиш панелини ўчириш ёки ёқиш.

22. "Структура документа" (ҳужжат тузилмаси) тартибига ўтиш.

23. Чоп этилмайдиган белгилар — бу пиктограмма ёрдамида чоп этилишда кўринмайдиган табуляция белгиларини, абзац охирини, бошини кўрсатувчи махсус белгиларни кўрсатиш ёки беркитиш мумкин.

24. Ҳужжатнинг акс этилиш масштаби — ҳужжатни катталаштириш ёки кичрайтириш даражасини аниқлаш. Агарда акс этиш даражаси 100% бўлса, бу унинг ҳақиқий ҳажмига тўғри келади.

25. Маълумот чақириш.

26. Ёқиш тартибига ўтказиш.

**Ҳужжатни акс эттириш усуллари**

Акс эттиришнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Обычный (оддий)
2. Разметка страниц (рақамланган бетлар)
3. Веб-документ (Веб-ҳужжат)
4. Режим чтения (ўқув тартиби)
5. Структура (тузилма).

**Учинчи дарс учун амалий топшириқлар**

**1-вазифа. Папкаларни яратиш.**

1. Иш столида "1" номи билан папка яратинг.
2. Шу папкага кириш ва барча мавжуд усуллар ёрдамида янги "матн", "расмлар", "бошқалар" номли папкаларни яратиш.


3

- Меню қатори
- Асбоблар панели: Стандартная, Форматирование, Таблицы и границы
- Ҳужжатни экранда акс этиш усуллари
- Горизонтал ва вертикал чизгичлар
- Горизонтал ва вертикал кўриб чиқиш учун мослашган чизгичлар
- Иш майдони, матн курсори, сичқонча кўрсаткичи.

**Word билан ишлаш учун қўлланиладиган тугмалар:**

- ENTER** – бўш қаторларни кўшиш, абзацларни белгилаш.
- TAB** – матнли жадвал кўринишидаги ҳужжат охирига катагини кўрсатиш.
- ESC** – танланган буйруқни бекор қилиш.
- SHIFT** – регистрни ўзгартириш.
- CAPS LOCK** – ёзма ҳарфларни бириктириш.
- NUM LOCK** – клавиатуранинг ўнг томонидаги рақамли тартибни бириктириш.
- DEL (DELETE)** – ажратилган бўлак белгиларини ўчириш.
- INS (INSERT)** – белгиларни ВСТАВКА/ ЗАМЕНА (кўшиш\алмаштириш) тартибларидан бирига ўтказиш.

**«Стандартная» асбоблар панели**



- Ушбу асбоблар панели қуйидаги дастурлар пиктограммаларини акс эттиради:
1. Янги ҳужжатни яратиш.
  2. Мавжуд бўлган ҳужжатни очиш.
  3. Файлни сақлаш.
  4. Маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқариш.
  5. Ҳужжатни электрон почта орқали юбориш.
  6. Ҳужжатни чоп этиш.
  7. Ҳужжатни чоп этишдан аввал кўриб чиқиш.
  8. Имлони текшириш. Бунда ажратилган бўлак ёки бутун ҳужжатни текшириш мумкин.
  9. Ахборот манбаларидан фойдаланиш.
  10. Ажратилган матн бўлаги, жадвал, намоишларни ҳужжатдан қирқиб ташлаб, алмашинув буферига ўтказиш.

Сатр боши	Сичқонча чап тугмаси билан белгилаш чизигида бир марта ёки абзацнинг ихтиёрин қисмида уч марта бошиш керак.
Бир қанча абзац	Белгилаш чизигида сичқончанинг чап тугмасини босиб абзацларни белгилаб олиш.
Ҳамма ҳужжатлар	Ctrl+A тугмалари орқали, Правка менюсидаги Выделить все менюси орқали, белгилаш чизигида уч марта бошиш орқали.
Вертикал матн блоки	Alt тугмасини босган ҳолда сичқонча чап тугмасини белгиланиши керак бўлган блок бошида босиб блокни белгилаб олиш.

**Баъзи таҳрирлаш амалиётларини бажариш**

Амал	Бажариш усуллари
Нусха кўчириш	-Тугмалар бирикмаси -Ctrl+Ins -Ctrl+C -Правка менюси -Стандартная бошқарув панелидаги тугма -Ctrl тугмасини босган ҳолда сичқонча орқали кўчириш.
Матнни кесиб олиш	Ctrl+X тугмалар бирикмаси Правка менюси Стандартная бошқарув панелидаги тугма
Вставка(кўшимча)	Тугмалар бирикмаси Ctrl+Ins Ctrl+V Правка менюси Стандартная бошқарув панелидаги тугма
Кўчириш	Кесиб олиш ва кўшиш амаллари бирикмаси Белгиланган матн бўлагини сичқонча орқали кўчириш

3. Папкаларни ёпиш.
- 2-вазифа. Нусха олиш.**
  1. "Мое имя" папкасидан расмларни контекст меню ёрдамида "расмлар" папкасига нусха олиб кўчириш.
  2. "Мое имя" папкасидаги матнли ҳужжатни "матн" папкасига нусха олиб кўчириш.
  3. "Мое имя" папкасини "бошқалар" папкасига нусха олиб кўчириш.
  4. Барча "матн", "расмлар", "бошқалар" папкаларига кўчирилган ҳужжатларни ўчириш.
  5. Нусха олиш амалларини сичқонча ёрдамида қайтариш.
- 3-вазифа. Ўчириш ва тиклаш**
  1. "1" папкасини ўчириш.
  2. Корзина объектига кириш ва "1" папкасини тикланг.
  3. "1" папкаси ўз жойида тикланганини текшириш.
  4. "1" папкасини тикланмас тарзда ўчириб ташланг.
- 4-вазифа. Қидириш.**
  1. «Пуск» менюсидан — «Поиск»ни топинг.
  2. Қуйидаги объектларни топинг:
  3. «Мое имя» папкасидан .bmp, .txt. хилдаги барча ҳужжатларни топинг.
- 5-вазифа. Тармоқ орқали фойдаланиш.**
  1. "Мое имя" папкасидан тармоқда фойдаланиш ҳуқуқини бериш.
  2. Бошқа компьютерлардаги папкалардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш.

**Тўртинчи дарс.**

**Ҳужжатларни таҳрир қилиш**

Ҳужжат ичида ҳаракатланиш усули  
**Тугмалар ёрдамида:**

Тугма	Курсор ҳаракатланиши	
←	Битта белги	ўнга
→		чапга
↑	Битта сатр	тепага
↓		пасхта
Home	Сатр бошига	
Ctrl+Home	Ҳужжат бошига	
End	Сатр охирига	
Ctrl+End	Ҳужжат охирига	

**Сичқонча ёрдамида:**

Ҳужжатнинг керакли жойига бориб чап тугмани босамиз.

**Олдиндан кўриш тартиби:**

- Ҳужжат нусхаси қай ҳолатда чиқишини кўрсатади. Бу тартибга ўтиш учун қуйидагиларни бажарамиз:
- Инструментлар "стандартная" панелидаги олдиндан кўриш тугмасини босамиз ёки
  - Файл менюсида олдиндан кўриш амалини бажарамиз.
- Олдиндан кўриш тартибидан чиқиб кетиш учун қуйидагиларни бажариш керак:
- Бу тартибда инструментлар панелида **ЗАКРЫТЬ** тугмасини босамиз ёки
  - **Esc** тугмасини босиб чиқиб кетамиз.

**Матнни таҳрирлаш, белгиларни алмаштириш ва қўйиш тартиби**

- Матнга белгиларни қўйишда **ВСТАВКИ** тартибидан фойдаланамиз, бунда матн ўнга силжиб бўш жойга белги қўйилади. Замена тартибида киритилаётган матн эски матн ўрнига киритилади. Вставка\замены тартибини ёқиш учун **INS** тугмасини ёки **ЗАМЕНИТЬ** сўзи устида сичқончанинг чап тугмасини икки марта босамиз. Бордию ҳарф кулранг бўлса **ВСТАВКИ** тартиби, агар қора бўлса **ЗАМЕНИТЬ** тартиби ёқилган бўлади.
- Бўш сатрни йўқотиш (бўш абзац)  
Абзац қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:
- бир нечта қатордан;
  - битта қатордан;
  - битта гапдан;
  - битта белгидан;
  - умуман бўш бўлиши мумкин.

Бўш сатр (белгиларсиз) кўзга бўш қатор сифатида кўринади. Айрим ҳолларда бўш сатрда кўринмайдиган белгилар бўлиши мумкин. Бўш абзацларни ўчириб ташлаш (бўш қаторлар ҳам) қуйидагича:

1. Курсорни бўш сатр бошига ўрнатамиз.
  2. **Delete** ёки **BackSpace** тугмасини босамиз. Бўш абзацни қандай қўйиш мумкин?
1. Курсорни ҳужжатнинг керакли жойига келтирамиз
2. **Enter** тугмасини босамиз.



● 2008-YIL — YOSHLAR YILI



# Мурғак қалблар қувончи

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги Ногирон болаларнинг соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш марказида 900 нафардан ортиқ болалар тарбияланишади. Бугунги кунда ҳомийлар саховати билан марказнинг юзга яқин тарбияланувчилари турли олий ўқув юртида шартнома асосида тахсил олишмоқда. Шунингдек, марказда зардўзлик, гилам тўқиш, мунчоқ тикиш, кулолчилик, расм чизиш тўғрақлари ташкил этилган. Келгусида шу ернинг ўзида иш жойларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Чет эллик шифокорлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган бўлиб, ҳар йили тажрибали мутахассислар

Мамлакатимизда 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ўсиб келаётган авлодга кенг имкониятлар яратиб бериш, эътиборни янада кучайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга замин бўлмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.



марказга ташриф буюришади ва турли жарроҳлик операцияларини амалга оширишади.

— Буларнинг барчаси давлатимиз эътибори ва ҳомийларимиз кўмаги билан амалга оширилмоқда, — дейди марказ раиси Феруза Восикова. — Шундай саховатли ҳомийлардан бири Радиоалоқа, радиоэшитти-

риш ва телевидение марказининг Тошкент телеминораси жамоасидир. Телеминора раҳбарияти бизни ҳар йили икки-уч мартаба "Коинот" ресторанига таклиф этиб, болаларимизга байрам совғаларини улашишади. Мана бугун ҳам 120 нафарга яқин болалар ушбу ноёб кошонада Наврўз байрамини катта хурсандчилик билан нишонлашди.

Байрам тадбирида Тошкент телеминораси бошлиғи Каримжон Усмонов барчани Наврўз билан қутлаб, марказ жамоасига видеокамера совға қилди.

Ресторан ходимлари болаларни мазали таомлар ва ҳар хил ширинлиги яхна ичимликлар билан сийладилар. Таниқли санъаткорларнинг ташрифи эса байрамга ўзгача руҳ бағишлади.

Тадбир сўнгида болаларга эсдалик совғалари топширилди. Бу ердан олинган улкан таассурот ва чексиз қувонч уларнинг мурғак қалбларидан бир умрга жой олса, ажабмас.

Ўз мухбиримиз

## “ДДД” да ҳаммаси аъло!

Муҳташам “Туркистон” саройида олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги “Қувноқлар ва Зукколар” кўрик-танлови кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг “ДДД” (“Довруғи дунёга достонлар”) жамоаси ҳам мазкур танловда фаол қатнашиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Жамоанинг белгиланган шартлар бўйича чиқишларини кузатар экансиз, уларнинг актёрлик иқтидорларига қойил қолмай иложингиз йўқ. Даврон, Азамат, Ислом, Умидларнинг талабалар ҳаётида рўй берадиган қизиқ воқеалардан иборат сахна кўринишлари эса бутун томошабинлар юзига табассум улашди.

Ҳакамлар ҳайъати таркиби, актёр-қўшиқчи Жаҳонгир Пожилжонов, шоир Бобур Бобомуродлар ҳам йигитларнинг сахнада ўзини тута олиш маданияти, енгил кулгу билан томошабинни ҳаяжонлантира олишларига катта эътибор қаратдилар ва жамоага энг юқори баҳо бердилар.

Истеъдод катта куч, деган эди файласуфлардан бири. Албатта, “ДДД”нинг иштирокчилари ҳам ўқув машғулотларидан бўш вақтларида ўзларини истеъдодларини, қизиқишларини мана шундай кўрик-танловлар орқали намоён этиб боришмоқда.

Бу йилги “Қувноқлар ва Зукколар” мавсумига катта тайёргарлик кўрган жамоа голиблика даъвогарлик қилмоқда. Демак, “ДДД”да ҳаммаси аъло! Биз эса жамоага омад тилаймиз!

Маҳфуза Йўлдошева,  
ТАТУ талабаси

### ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

# "ЭФФЕКТ - МОЛИЯ"

### ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚҲИДАГИ ИНТЕНСИВ ЎҚУВ БЎЛИМЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

#### I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

(малака раҳбар ва бош ҳисобчи даргазида) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, компютер, интернет).

■ **Бухгалтер-молчи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нолдан балансга, компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).

■ **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яққа тартибда.

■ **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** - шартнома асосида.

■ **Корхона ҳуқуқшунослиғи** (Компютер. Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонунчилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.

■ **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.

■ **Кадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).

■ **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

#### II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

(фақат яққа тартибда)

■ **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint, Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.

■ **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.

■ **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.

■ **Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.

■ **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеоонтаж) дастури - 1 ой, 40-50 минг сўмдан.

■ **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) -

2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

■ **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0, DELPHI) - 6 ой, тезкор 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.

■ **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.

■ **Уяли телефонни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.

■ **Уяли телефонни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.

■ **Программаларни ўрнатиш, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивируслар билан ишлаш** - 1 ой, 100 минг сўм.

■ **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

#### III. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:

(юқинк гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

■ **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чқур ўрганиш) гид-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашу клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашу клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари** - (яққа тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.

#### IV. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:

(фақат юқинк гуруҳларда)

■ **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

■ **Сартарош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Тирноқларни ва киирикларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яққа тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.

■ **Косметолог-вижажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (компютер ва интернет

билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Фармацевтика** (компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиш дорихонада.

■ **Кийимларни тикши-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Астарли устки кийимлар тикши** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).

■ **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикши** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яққа тартибда).

■ **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).

■ **Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яққа тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.

■ **Бисер усулида каштани-безакчи** (олий курси билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Бисер асосида дизайн** - (яққа тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Зардўзлик** - (яққа тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.

■ **Машинада ва қўлда кашта тикши** (вишивка) - 3 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яққа тартибда).

■ **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яққа тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар), 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Пазандачилик** - (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор - 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм, (яққа тартибда).

■ **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яққа тартибда, заргар ўргатади.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 84-уй, "Қозғистон" кинотеатрининг ўнг томонида.

АВТОБУСЛАР: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115.

КЕЛИШ ЙУЛИ: метронинг Миинор, автобусларнинг "Қозғистон" кинотеатри бека-ти.

Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.

Ўқитиш	Ўқитиш
Аннот. Тезкор усули	Ўқитиш
Ўқитиш	Ўқитиш

● Дарслар фақат яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданоқ бошланади.

● Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади.

● Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!

● Сертификат-диплом берилади.

■ **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

# Газета, газетхон...

"Хабар" газетасининг 4-сонида чоп этилган "Хап, саломинг бўлмас..." мақоласи орқали газетхон муҳокамасига жуда долзарб масала тақдим этилган.

## Эътиборли бўлайлик

Ҳозирги ёшлардаги билим ва иқтидорнинг юксаклиги, уларни давр билан ҳамнафас ҳолда илгарилар боришлари, бир неча тилни ўз она тилидек ўлаштириб, хориж олийгоҳларида билим ва малакаларини ошириб келаётганликлари, турли соҳалардаги улкан ютуқлари учун қатор давлат мукофотларига сазовор бўлаётганликлари қалбларни қувонтиради.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ёшларимизнинг мақолада келтирилганга ўхшаш ахлоқ-одоб, маданият борасида кўзга кўринаётган айрим ноўрин хатти-ҳаракатларига эса, биз катталар айбдор эмасмиз-ми, деб ўйлаб қоламиз.

Эсимда, болалик даврларимда бувим бизга эринмай тўғрилиқ ва эгрилик, яхшилик

билан ёмонлик, қайси ҳолатлар увол ҳисобланиши тўғрисида қизиқарли ривоятлар айтиб берар эди. Биз эса бувижонимиз билан бўладиган навбатдаги суҳбатларни сабрсизлик билан кутар эдик.

Мақтабдаги тарбиявий соатларда катта-кичikka биринчи бўлиб салом бериш, оғир юк кўтариб келаётган кекса кишига ёрдамлашиб юбориш, каттага жой бериш, баланд овозда гапирмаслик каби кўплаб ўғитлар ўртоқларим сингари бизнинг ҳам қон-қонимизга сингиб кетганди. Унга амал қилиш эса эрталаб туриб юз-кўлни ювишдек, одатий ва зарурий ҳолга айланган эди.

Эндиги тўкин-сочинлик, ҳар томонлама ривожланган даврга келиб баъзи аёлларимиз "тадбиркорлик" дея, пул

## AKS-SADO

ишлаш дардида ёш болаларини уйда қолдириб бозорларга чиқиб кетишгаётганлигини, болалар эса кўчада кўрганни қилиб, яхши-ёмонни фарқида бормай улгайиб қолаётганлигини кузатамиз.

Кўп қаватли уйда ёнма-ён яшаган ҳолда бўйингиз тенги қиз-йигитларни каттага салом бермай бемалол ўтиб кетишганини, кафтдеккина эшик олдиларини супуришга вақт топа олмаган ҳолда ўртоқлари билан кўчада соатлаб қимматли вақтин бекор ўтказаятган, ўзига ҳеч ярашмаган очиқ-сочиқ кийимни кийиб юрган айрим қизларни кўриб, афсусланасан киши.

Эҳтимолки, ёшларимизда кузатилаётган бундай ёқимсиз ҳолатларни атрофдаги ёши улуглар чиройли дашном орқали тушунтириб туришса, озми-кўпми ижобий натижага эришган бўлар эдик.

Дилором ҲОЖИЕВА  
Бухоро шаҳри

## Мард инсонлар экан

Ассалому алайкум ҳурматли "Хабар" газетаси таҳририяти ходимлари! Мен севимли газетамиз "Хабар"нинг 6-сонида чоп этилган Муборак Миркамоллованинг "Келинимнинг кўли эгри" мақоласини ўқиб чиқдим ва шундай келинлар борлигига афсусланиб кетдим. Наҳотки, Нафиса исмли шу келин ўз рўзгорига, фарзанди, турмуш ўртоғининг ризкига хиёнат қилган бўлса? Мақолада айтилишича, Нафиса ота-онасига олиб борган нарсасини ошхонада қолдириб, сўнгра уларнинг ҳузурига кирган. Ота-онаси у кетгандан сўнг шу маҳсулотларни барибир пишириб ейишган-ку. Агар унинг ота-онаси бир марта бўлса ҳам шу нарсаларни қайтариб қизининг уйига олиб бориб, қайнона-қайнотасига кўрсатмасдан бўлса ҳам ташлаб келганида эди, Нафиса қайтиб бу ишни қилмаган бўларди. Нафисанинг қайнона-қайнотаси, турмуш ўртоғи мард инсонлар экан. Улар Нафисани кечириб тўғри йўлга бошлашибди. Бошқа одамлар бўлганда эди, Нафисани уйдан қувиб солиб, унинг турмуши бузилиб кетиши мумкин эди. Қайнотаси уни кечириб, бир норасидани етим қилмасдан асраб қолибди.

Нафисанинг ақли бўлса қайнона ва қайнотаси, турмуш ўртоғидан кечириш сўраси керак эди.

Энди у виждон азобидан қандай қутулар экан?..

Гулчеҳра ЭЛНИЁЗОВА,  
Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри, "Қизилтепа-1" алоқа бўлими бошлиғи

## SO'RANG, JAVOB BERAMIZ...

### ТАЪТИЛ ОЛСАН БЎЛАДИМИ?

— Институтни битириб, соҳам бўйича ишлаяпман. Лекин ҳозирги тезкор давр талаби туфайли билиминини оширишга эҳтиёж сезяпман. Аспирантурага кириш имтиҳонларига тайёрланишим учун иш жойимдан таътил олсам бўладими?

Гулноза КАМОЛОВА  
Андижон вилояти

— Албатта бўлади. Фақат бунинг учун қонуний асос бўлиши керак. Яъни, олий таълим муассасаси ректори ёки илмий тадқиқот муассасаси директорининг кириш имтиҳонларига қўйилганлик ҳақидаги билдириш хати қўшимча таътил беришга асос бўлиб хизмат қилади. Кириш имтиҳонларига келиб-кетishi билан боғлиқ харажатлар йўлловчи ташкилот ҳисобидан қопланади.

Маъзур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябр кун 1707-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Аспирантура (докторантура) тўғрисида"ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ аспирантура (адъюнктура)га кириш имтиҳонларини топширувчи шахсларга имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда 12 календар кунга қўшимча таътил берилади. Аспирантура (адъюнктура)га киришчилар ушбу таътилдан бир йилда бир марта фойдаланадилар.

Дилшод УСМОНОВ,  
"ТошТД" филиали  
хукузхониси

— Кейинги пайтда нафақат катталар, ҳатто болалар орасида ҳам оғир вазнлилар сони ортиб борапти. Танада ортиқча вазн тўпланиши жиддий муаммага айланмоқда. Семириш қандай касалликларни келтириши, унинг олдини олиш чоралари ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Гулшода ИСРОИЛОВА,  
почта ходимаси, Фарғона вилояти

## ОРТИҚЧА ВАЗН ТАШВИШЛАРИ

### Унинг сабаблари нимага?

Газетхоннинг ушбу саволига жавоб олиш мақсадида Миробод туманидаги 1-ойлави поликлинника олий тоифали шифокори Гулсара Холматовага мурожаат қилдик.

— Гулсарахон, аввало, ортиқча вазн келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Халқимизда "Соғлом танда — соғ ақл" мақоли бежиз айтилмаган. Инсон қанчалар ихчам, соғлом бўлса, иш қобилияти ҳам шунчалар юқори бўлади. Афсуски, кейинги пайтда камҳаракатлилик, меъридан ортиқча овқат ейиш оқибатида семиз қилишлар сафи кўпаймоқда. Киши семириб кетганда тананинг қорин, болдир, бўйин қисмини, шунингдек, ички аъзолардан юрак, буйрак, жигарни ёғ босади. Оқибатда бу аъзолар зўриқши билан ишлади, ортиқча вазн қон томирларининг узайишига сабаб бўлади. Танада оғриқ, хансираш пайдо бўлади, хотира сусайиб қариш жараёни бошланади. Энг ёмони, қандли диабет, холицистит, остеохондроз, парихонхотирлик касалликлари пайдо бўлади. Шунинг унутмаслик керакки, биз севиб истеъмол қиладиган 100 грамм ортиқча оқ нон туфайли танамиздаги ёғ 20 граммга ортади.

— Кўчаларда "Озишни истайсизми, марҳамат!" "Ортиқча вазини йўқотамиз" каби реклама ва эълон-

лар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Бу ҳақида нима дейсиз?

— Озиш ҳаракатига тушганларнинг айримлари шифокор маслаҳатисиз ҳар хил хапдориларни истеъмол қилмоқдалар. Ваҳоланки, улар бу дорилар таркибидан нималар борлигини билишмайди. Маъзур дорилар дорихоналарда сотилмагандан кейин назоратдан ўтмаган, яроқсиз ҳам бўлиши мумкин, деб ўйлаб ҳам кўришмайди. Шундай дорилар ҳам борки, уларнинг таркибидан кўзга кўринмас микроблар мавжуд ва ичгандан сўнг бу микроблар тирилиб, ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.

— Афсуски, ортиқча семириш болалар орасида ҳам учрамоқда.

— Галингиз тўғри. Ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли болалар телевизор кўрган ҳолда овқатланишади. Соатлаб ўтириб, турли филмлар томоша қилишади. Аслида бола ўсаётган ёшида кўпроқ ҳаракатда бўлмоғи лозим. Камҳаракатлик, овқатланган заҳоти ётиб олиш ортиқча семиришга олиб келади. Ота-оналар бу масалага жиддий эътибор қаратмоқлари, фарзанди семира бошласа, дарҳол турли спорт тўрақларига жалб қилиб, унинг вазнини меъёрда сақлашга ҳаракат қилмоғи лозим.

— Айримлар озиш учун оч қолиб даволанишга ҳаракат қилишади. Бу

борада фикрингиз қандай?

— Овқатланиш борасида меъёр ошқозоннинг посбонидир. Кун бўйи оч юриш ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Энг яхшиси, оз-оздан тез-тез овқатланган яхшироқ, Акс ҳолда, ошқозон шираси ё кўп ёки кам ажраладиган бўлиб қолади. Агар шира кўпайиб кетса — ошқозонда яра пайдо бўлади, кам бўлса — иштаха йўқолади. Ҳар икки ҳолат ҳам яхши ахволга олиб келмайди, албатта.

— Тўғри овқатланмиш учун нималарга эътибор бериш керак?

— Ҳар бир инсон овқат учун яшаши керак эмас, аксинча, яшаш учун овқатланса тўғрироқ бўлади. Демокчанманки, керакли вазнини сақлаб туриш инсоннинг ўз қўлида. Агар одам оз-оздан бир кунда беш маҳал овқатланса, уйкуга ётиши олдида бир таътил қатиқ ёки сут ичса, кўпроқ олма ёб юрса, вақти бир хилда туриши аниқ.

Шунингдек, кунлик рациондан кам, наъматак шарбати, турли қўқатлар қолиб кетмаслиги керак. Қовурилган овқатларни, ёғли гўшти камроқ истеъмол қилган маъқул. Дастурхондан турли мевалар, салатлар узилмаса, нур устига аъло нур бўлади. Шунда инсон хушбичим, соғлом, гўзал бўлади.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
суҳбатлашди

SPORT

ЎСМИРЛАРИМИЗ «А» ГУРУҲИДА

Сешанба кuni пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида кураш ташланди. Унга кўра Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «А» гуруҳидан жой олди. Роберт Гай шоғирдлари билан бирга Эрон, Сингапур ва Бахрайн ўсмирлари битта гуруҳга тушишди.


<b>«А» гуруҳи</b> Ўзбекистон Эрон Бахрайн Сингапур	<b>«В» гуруҳи</b> Сурия Ж.Корея Ҳиндистон Индонезия	<b>«С» гуруҳи</b> Хитой Саудия Арабистони Австралия Туркменистон	<b>«D» гуруҳи</b> Япония Яман БАА Малайзия
----------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------

Ўйинлар шу йилнинг 4 октябридан бошланади. Барча учрашувлар МХСК ва «Пахтакор» стадионларида ўтказилади. Финал 19 октябр кунига белгиланган.

ЧОРАК ФИНАЛ

Европа Чемпионлар лигаси чорак финал баҳсларининг дастлабки учрашувлари ўтказилди.

Сешанба кuni бўлиб ўтган учрашувларда меҳмонлар устунликка эга бўлишди. "МЮ" ва "Барселона"нинг сафардаги ғалабалари уларга ярим финал сари дастлабки қадам ташлаш имконини берди.



**«РОМА» (Италия) – «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» (Англия) – 0:2**

Голлар: Роналду, 39; Руни, 66.

**«ШАЛКЕ-04» (Германия) – «БАРСЕЛОНА» (Испания) – 0:1**

Гол: Крнич, 12.

Чоршанба кuni ўтказилган баҳсларда «Челси» Туркияга сафар уюштириб «Фенербахче» клубидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Туркияликлар ўйинчиси Дейвид учрашув қаҳрамонига айланди. Аввалига ўз дарвозасини ишғол қилиб қўйган «Фенербахче» аъзоси 81 дақиқада жамоасига ғалаба келтирувчи голни киритди. Иккинчи учрашувда эса инглиз жамоалари мурса йўлини танлашди.

**«ФЕНЕРБАХЧЕ» (Туркия) – «ЧЕЛСИ» (Англия) – 2:1**

Голлар: Дейвид, 13 (автогол) – Казим Казим, 65; Дейвид, 81.

**«АРСЕНАЛ» (Англия) – «ЛИВЕРПУЛ» (Англия) – 1:1**

Голлар: Адебайор, 23 – Кейт, 26.

Чорак финал баҳсларининг жавоб учрашувлари 8-9 апрел кунлари бўлиб ўтади.

КУБОК ПОЙТАХТЛИКЛАРДА

Фарғонада эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида стол тенниси бўйича Ўзбекистон кубоги ўйинларининг финал босқичи якунига етди. Унда тошкентлик кичик ракетка усталари мусобақа ғолибларига айланди.

Эркаклар орасида Андижон ва Тошкент, аёллар ўртасида пойтахт вилояти ва Фарғона вилояти жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни кўлга киритди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлик электромонтёри Илҳом Юсуповга волидаи мухтарамаси **МАҲФУЗА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМАСИ САРАЛАШ БОСҚИЧИДА

Ўзбекистон футбол федерацияси пляж футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этиши ҳақида ФИФАга расмий равишда тасдиқнома юборди.

Саралаш босқичи якунига кўра, Осиёнинг учта кучли жамоаси шу йилнинг июл ойида Францияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида йўлланма олади.

Эслатиб ўтамиз, Дубайда ташкиллаштирилладиган саралаш баҳсларида Ўзбекистондан ташқари, Хитой, Эрон, Япония, Ҳиндистон ва БАА терма жамоалари қатнашишади.

«ЕВРО-2008»ДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ҲАМ ҲАМ ҲАМ ҲАМ

«UBS Wealth Management Research» компанияси «Евро-2008»да иштирок этадиган энг қиммат ўйинчилар рўйхатини тузиб чиқди:



Кристиану Роналду (50 млн. евр.), Ибрагимович (38 млн. евр.), Пирло (36 млн. евр.), Фабрегас (35 млн. евр.), Анри (35 млн. евр.), Серхио Рамос (30 млн. евр.), Буффон (28 млн. евр.), Пуйол (28 млн. евр.), Баллак (26 млн. евр.), Замбротта (24 млн. евр.), Киву (21 млн. евр.).

БЕЛГРАДДАН БЕШ МЕДАЛ

Сербиянинг Белград шаҳрида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақаларда Наби Бойматов ва Олим Мухамедов кўл остида Ўзбекистон жамоаси ҳам иштирок этди.



Баҳслар якунида боксчиларимиз бешта медални кўлга киритишди. Рафиқ Султонов (48 кг), Баҳодир Султонов (57 кг), Аббос Отаев (81 кг)лар олтин, Дилшод Омонов (64 кг) ва Элшод Расуловлар (75 кг) кумуш медал соҳиб бўлдилар.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.  
Факс: 236-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶  
Реклама матнларининг тўғриликта тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

353-С сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 12531 нухса.


Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ.  
Матн тўрғуси: Дилфуза МАТҚҲҲБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.  
1 2 3 4 5 6 7 8

## КРОССВОРД



Тузувчи: Исмоил МУСО

## ЭНИГА:

7. Ўрнак, ибрат. 10. Сувоқ-чилик (курулиш)да ишлатиладиган ёғоч дастали, таги силлиқ металл асбоб. 11. Дунёдаги энг баланд тоғ тизими. 12. Шакли бир, маъноси бошқа-бошқа сўзлар. 13. Русча исм. 14. АҚШдаги штат. 15. Туркия шарқидаги сўнган вулқон. 18. Нолдан катта, манфий эмас. 21. Ўриши ипақдан, арқоги ипдан иборат нақши икки томонлама газлама. 24. Шимоли-шарқий Европадаги давлат пойтахти. 25. Ошиқ, шайдо. 26. Токларни кўтариб қўйиш учун қурилган сўри. 27. Кенг мақсадларга мўлжалланган ҳарбий кема. 28. Қиз бола исми. 29. Япониядаги шаҳар. 32. Токнинг ҳосилсиз, хом новдаларини олиб ташлаш. 36. Хонсю ороли (Япония)даги префектура маъмурий маркази. 39. Мачиндошларга мансуб бир йиллик ўт. 40. Бир-бирига бириктирилган иккита валнинг ҳаракат қилишига имкон берувчи механизм. 41. Чармга ўхшаш қалин-қаттиқ нарсаларни тикадиган катта йўғон игна. 42. Менделеев даврий жадвалининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, энг асл маъдан. 43. Осмон жисми, думли юлдуз. 44. Куёш тизимидаги иккинчи сайёра.

## БЎЙИГА:

1. Кристалли тоғ жинси, безак ва зийнат тоши. 2. Христианлар «белбоғи». 3. Ташаккур, миннатдорчилик. 4. Қозоғистон жанубидаги қадимий шаҳар. 5. Спорт кийимлари ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи дунёга таниқли фирма. 6. Юпитернинг йўлдошларидан бири. 8. Кўричакни биринчи бўлиб операция қилган инглиз шифокор-жароҳи. 9. Қадимги юнон шоири Гомернинг машҳур достони. 16. Мисрда 1875 йилдан буён нашр этилаётган кундалик газета. 17. Мусиқада тезкор ижро суръати. 19. Амир Темурнинг набираси, буюк олим ва давлат арбоби. 20. Артиллерия бўлинмаси. 21. Россиялик кўшиқчи... Цой. 22. Голливуд актёри Силвестр Сталлоне яратган кўп қисмли жанғари филм. 23. Ёйилган хамирга гўшт, қовоқ ва шу кабилар солиби, пишириладиган таом. 30. Бурчак ўлчамлари жуда кичик фазовий жисм. 31. Сувда эрийдиган (В.) витамин. 33. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг илк шеърий тўпламларидан бири. 34. Макбул ҳамкор топиш учун ўтказиладиган танлов. 35. Европадаги тоғ. 36. Шимолий Америкадаги давлат пойтахти. 37. Танглай муртақларнинг яллиғлиши. 38. Ётиқ ўлчамига нисбатан тик ўлчами ортиқ бўлган баланд иншоот.

## O'QING, QIZIQ!

## АСАЛАРИГА ХОС АЛОҚА

Асал энг шифобахш неъмат бўлиб, уни ҳаммавақт севиб истеъмол қиламиз. Лекин унинг қай йўл билан тўпланиши, асал йиғувчи митти мўъжиза — асаларилар ҳақида кўп нарса билмаслигингиз мумкин.



Асаларилар қурган уя каттакчалари энг мукамал ва мустаҳкам қурилишга эга бўлиб, уяларнинг ҳар бир бурчаги роппа-роса 109-20 градусга тенг бўлади.

Асалари личинкасининг ўсиш жараёнидаги вази беш кун давомда 3000 мартага катталашади.

Асалари кучли ҳид билиш қобилиятига эга. У ҳидни одамга нисбатан 1000 қарра кучлироқ сезади ва ажрата олади, гул ифорини эса бир километрдан зиёдроқ масофадан пайқайди.

Асалариларга яна бир мўъжизавий қудрат ато этилган: улар зарур ҳолларда оиласини сақлаб қолиш учун гайриоддий усулда ўз умрларини 5-6 мартага узайтира оладилар.

100 грамм асал тайёрлаш учун асалари баъзан 46 минг километр йўл босади, бу эса ер шарини экватор бўйлаб бир марта айланиб чиқишдек гап. Ишчи асалари бир кунда 7000тагача гулни чанглантиради.

Битта асалари ҳар сафар 40-50 мг нектар олиб келиш қувватига эга. Лекин у қанча узоқ йўлга учса, уясига шунча кам нектар олиб келади. Нектар унинг учушига қувват берувчи энергия манбаи ҳам бўлиб, учиш жараёнида у сарфланиб, камаяди.

Тўплаб келинган нектар асаларилар томонидан узоқ ва мураккаб қайта ишлаш ҳамда 40-70 фоиз сув билан аралаштириш жараёнидан кейингина асалга айланади. Бир кунда йиғилган 5 килограмм нектар қайта ишланганидан сўнг, атиги 1,5-2 килограмм асал ҳосил бўлади.

Асал йиғиш даврида асаларилар турли йўллار билан мулоқотга киришадилар. Яъни, улар ўзига хос «рақслар» ёрдамида, инсон кулогига эшитилмайдиган товушлар орқали алоқа қилишади. Улар ўзларидан ажратиб чиқарувчи биологик фаол моддалар — феромонлар ёрдамида ҳам ўзаро ахборот алмашадилар. Айни пайтда олимлар турли феромонларни сунъий йўл билан яратиб, шу орқали ҳашаротлар билан гаплашиш йўллари кидирмоқдалар.

## Табриклаймиз!

АТ «Алоқабанк»нинг Сурхондарё филиали жамоаси кредит бўлими мутахассиси Азизахон САФАРОВА ҳамда касса-амалиётлар бўлими ходимлари Феруза ТўРАЕВА ва Матлуба АБДУРАҲМОНОВАларни, «ЎЗИ-Термиз» филиали жамоаси муҳандис Ғайратжон ХОЛИҚОВни таваллуд толган кунини табриклаб, уларнинг барчасига оилавий тинчлик-тоғувлик тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кўқон шаҳар почта алоқаси тармоғининг алоқа бўлими бошлиғи Шаҳодатхон СУЛТОНОВАни, Лангар почта алоқаси тармоғи «Болтақўл» алоқа бўлимининг ва Олтиариқ туман почта алоқаси тармоғи «Зилҳа» алоқа бўлимининг хабарчилари Холматжон САЛИМОВ ҳамда Ҳамиджон АБДУОЛИМОВларни, Марғилон шаҳар ва Водил почта алоқаси тармоқлари ходимлари Абдунаби МАМАЖОНОВ ҳамда Обиджон МАМАСИДДИҚОВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар орзу-хавасини кўриб яшашларини тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси 5-алоқа бўлими бошлиғи Феруза САРСЕНБОВЕВАни тугилган кунини билан табриклайди. Ишларида омад, оилавий бахт тилайди.



## Азиз муштарийлар!

«Xabar» газетасига обуна давом этмоқда.  
Нашр кўрсаткичи — 228

